O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 24-dekabr • № 51-52 (3777)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган академик адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтириш мақсадида ҳамда ёзувчи таваллудининг юз йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда юбилей тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2005 йилнинг май ойида «Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида илмий конференцияни ҳамда адиб таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадиий анжуманни ўтказсин.

3. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги адибнинг асарларини саҳналаштириш, Фанлар академияси билан биргаликда Ойбек уй-музейининг экспозициясини бойитиш бўйича ишларни амалга оширсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда таълим муассасалари ва кутубхоналарда адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, ойбекхонлик кунлари, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Ойбек асарларини ҳамда «Ойбек замондошлари хотирасида» китобини чоп этишни режалаштирсин.

6. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли филм яратсин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ойбек сиймоси туширилган ва унинг асарлари мавзуси асосида ишланган почта маркалари ва конвертлар туркумини чиқарсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси ва республика оммавий ахборот воситаларига адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида туркум кўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар тайёрлаш, мақолалар чоп этиш, юбилей тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2004 йил 21 декабр

“Лазги”га тушиш осон эмас...

Р.АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

Муҳаррир минбари

УЙ... ЯШАШ УЧУН ҚУРИЛАДИ

Баҳорги ёғин-сочин кунлари қишлоқда ғалати гап тарқади: юқори маҳаллалик Султонмурод тоға уйини бузаётганмиш. Қўни-қўшни ҳай-ҳайлашига қарамай, қўлига кетмонни олиб, ҳаш-паш дегунча уйининг томини очиб ташлабди, бувасидан қолган эски уй эмасми, бир ҳамлада деворлари қулаб тушибди.

Уйининг орқа девори ўтган йилиёқ орқага ташлаб, қаттиқроқ акса урилса қулаб тушгудек ҳолга келиб қолганди, шунинг учун ҳам деворнинг белига ёғочдан тиргак қўйиб, чангак билан маҳкамлаб қўйилганди. Аммо қиш ҳали оёқламай, ҳе йўқ, бе йўқ, қурилиш бошлаб юборилгани кўпчиликни ажаблантирди. Уй дегани ёзда қурилмайдими...

Тоғанинг жиззаки табиати бор эди. Орияти кучли одам эди. Икки хонали уйда ота-онаси, улардан аввал бобо-момолари яшашган, тоғанинг бир эмас тўртта боласи катта бўлган, ҳали шу чоққача бировдан уй тўғрисида бир гап эшитмаган одам, мана энди, кенжа келинининг бир оғиз гапига чидамай, икки хона эмас — бирваракайига саккиз хона, бу ҳам худди озлик қиладигандай, дарвозахонанинг тепасини бўлмали болахона қилиб қура бошлади. Келини уйимизга бориб келай, ота-онамни, укаларимни соғиндим, деган экан, майли борақолсин деб, тоғанинг ўзи кичкина набирасини унга ҳамроҳ қилиб жўнатибди. Эртасига шу набираси куданикида бўлиб ўтган бир гапни айтган экан, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетибди. Аёл қуда қизидан “Яхши ўтирибсанми, уй-жойинг тузукми?” деб сўрабди, келин ёнида қайинсинглиси борлигини унутиб, “Ҳа, нима ҳам қилар эдим, уй эмас, эски бир чалдивор экан” дебди. Ана шу битта сўз тоғанинг нариёғ-бериёғидан ўтиб кетибди. Ўрнидан тура солиб уйни бузишга тушибди...

Бу воқеани эслаётганимнинг боиси, тоға жаҳл устида саккиз хонали уйни бошлаб қўйишга қўйдию, тўрт-беш йилда ҳам битира олмади. Қариндош-уруғ, дўст-қадрдонлар ҳашар қилиб, топган-тутганларини олиб келиб чарчашди, аммо уй битмади. Тоға кейинги икки-уч қишни қорасувоқ қилиб қўйилган торгина даҳлизчада ўтказди.

Бугун бутун мамлакатда хусусий уй қурилиши жиддий тус олганидан ҳаммамиз хабардормиз. Шаҳардагина эмас, қишлоқларда ҳам икки-уч қаватли ҳашамдор бинолар пайдо бўла бошлади. Аввалгидек, икки уй, ўртаси даҳлиз, олди айвон эмас, қабариқ, бўртиқ, ёйсимон, арчасимон шаклларда, нақшиндор, салобатли қилиб қурилаётган уйларни кўриб ҳавасингиз келади. Бу уйларда бир оила, бир сулоланинг бир эмас, икки эмас, ўнлаб авлодлари роҳат қилиб яшайди. Отадан болага, боладан набирага мерос бўлиб қолади. Уй-жой муаммоси аввалдан ҳал этиб қўйилган одам бу дунё ташвишларининг деярли ярмисидан озод десак муболаға бўлмас. Фақат уй-жой эмас, хусусий ошхона, тўйхона, кафе-ресторан, савдо-сотиқ шохобчалари ҳам шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Лекин...

Яқинда бир тадбиркор дўстимиз уйига таклиф этди. Эҳ, биз таъриф қилаётган уйлар ҳам уйми? Мана буни уй деса бўлади: ғарбликлар “нулинчи қават” дейдиган ертўласининг ўзи ўн хонадан иборат, зиғирча лоф қўшмай айтганда ҳам, камида бешта КамАЗ юки билан бемалол кириб чиқаверади. Биринчи қаватда асосий хона — юз квадрат метрли ойнаванд меҳмонхона. Меҳмонлар учун алоҳида ётоқхона, ювиниш хонаси, ҳаммом, бассейн. Иккинчи қават ҳам деярли шундай — ўртада шарқона нақшлар билан безатилган зал, икки тарафда — оилали меҳмонлар учун алоҳида-алоҳида хоналар. Бу дунёда мулк солиғи деган тўлов ҳам борлигини ҳисобга олмаганда, ҳаммаси яхши. Аммо хоналар совуқ, яхши иситилмайди. Қурилиш режасида иситиш системаси пухта ўйланмаган. Шу боис оила аъзолари, қишлоғимиздаги ориятли тоғага ўхшаб, ҳовлининг бир чеккасида, икки хонали оддийгина уйда яшайди.

— Қиш-қировли кунларда сандал ўрнатиб, исиниб ўтирамиз, — дейди мезбон. — Ўрикнинг чўғи маза-да...

— Иморатни қанчада битирдингиз, — сўрайман ундан.

— Олти йилда аранг тамомладик, — дейди у ҳасрат халтасини очгандай бўлиб. — Жуда катта қиворганаканмиз, роса адабимни едим. Материал қиммат бўлиб кетди.

— Қийналсангиз ҳам, битириб олибсиз, меҳмонлар келишса яйраб дам олишади...

— Э, аввалгидек, ғуррас-ғуррас меҳмонлар қаёқда. Мен сизга айтай, қуришга қуриб қўйдиму, баъзи хоналарига кирсам бир ойда бир марта кираман, кирмасам — йўқ. Қаққайиб турибди. Сотворай десам, кичкина шаҳар, гап-сўз бўлиб кетади. Асли, уй деганни кўрпага қараброқ қуриш керак экан...

— Бошида шундоқ ўйламаган экансиз-да.

— Э, бир-иккитаси "давай-давай" қилса, мен хомкалла ё доңғим чиқар, ё чангим чиқар" депман-да...

Ҳозир бунақа пушаймонларни кўплаб эшитиш мумкин. Тошкентнинг ўзида, шаҳар чеккаларида қанчадан-қанча чала иморатлар чала савлат тўкиб турибди. Деярли битганлари, битай деб қолганлари, ярим-ёрти ташлаб қўйилганлари, пойдеворлари нураб, деворлари қийшайиб, эшик-деразалари аллақачон гумдон қилиб кетилганлари қанча. Уларнинг ҳаммаси бир принципда режалаштирилган — меҳмонлар учун каттакон зал, ётоқхона, алоҳида ювиниш хонаси ва ҳоказолар. Лекин, оқоваси қаёққа кетади, экин-тикинга сув қаердан келади, болалар қаерда ўйнайди, маҳалла гузари қаерда бўлади — булар кўп ҳолларда жиддий ўйланмаган. "От кимники — минганники, тўн кимники — кийганники", деганларидек, эгалари кўчиб келмаган бу ҳовлиларнинг роҳатини асосан қоровул болалар кўриб ётишибди.

Узоқни ўйлаб, режали иш тутиш — ҳар соҳада керак. Аммо, бу фазилат қурилиш соҳасида жуда ҳам зарур. "Зўр билан бўлган иморат — охири вайронадур" деганларидек, ном чиқариш, бошқалардан қолмаслик учунгина иш қилинса, иморат қурасизми, тижорат бошлайсизми, кўпкарида синалмаган отга мингандай, охири яхши бўлмайди. Юқорида таърифи келтирилган салобатли, ҳашаматли уйларнинг қизиқ томони шундаки, улар ойда, йилда бир келадиган нозик меҳмонлар учунгина эмас, шу уйни неча йиллар давомида пешонаси терлаб, шўрлаб, қарз-қавола кўтариб қурган одамнинг ўзи учун ҳам меҳмонхона бўлиб қолади. У бу совуқ хоналарга меҳмондай, онда-сонда омонат кириб, омонат чиқади, бирор нарсага қўл теккизмайди, болаларидан ҳам шуни талаб қилади, аксарият умри эса ҳовли четидаги чоққина хонада ўтади.

Ушбу сатрларни қоғозга туширар эканман, бундан неча ўн йиллар аввал бежирим қилиб қурилган, бугун эса ҳар жиҳатдан таъмирга муҳтож таҳририят биноси ойнасидан бир зум ташқарига қарайман. Тўғрида — чала иморатлардан бири кўчанинг бир томонини тўла эгаллаб турибди. Шу чала иморатнинг чала қолиб кетган ёрости йўлаклари абгор аҳволда.

Узоқдан бир вақтлар тарақа-туруқ билан тиккалаб қўйилган Ҳисоблаш марказининг темирли каркаси гулзордаги бегона алафдай кўзга ташланади. Президентимиз ҳукумат йиғилишларидан бирида уни бир сўмга бўлса ҳам сотинглар, деган эдилар. Негаки, бу беўхшов, ўйламай-нетмай кавшарлаб ташланган даҳмазани бузишнинг ўзи минг азоб. Дабдабавозлик даврининг яна бир иморати Мустақиллик майдони руҳига мос равишда қайта таъмирланиб, ортиқча қаватлари олиб ташланмоқда. Бош майдонда эса Юртбошимиз ташаббуси билан улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир.

Вақт — улуғ ҳакам дейдилар. Вақти-соати билан ҳамма нарса жой-жойига тушади. Ортиқча қаватлар, ортиқча бўй чўзганлар ҳам. Гап яна меъёрга бориб тақалади. Қурайлик, зўр уйлар, иморатлар тиклайлик, аммо меъёрни унутиб, ўз уйимизда ўзимиз меҳмон бўлиб қолмайлик.

Йил адоғидаги ўйлар

АСРНИ ЎЙЛАГАН ЛАҲЗАНИ ҚАДРЛАР

Инсон умри ҳисобли. Истаймизми-йўқми, унинг аввали бўлганидек, охири ҳам бор. Бунга барчамиз деярли ҳар куни гувоҳ бўламиз. Муҳими, уни қандай ўтказишда. Шуни билган, ҳис этган ақл эгаси умрининг бирор лаҳзаси бесамар ўтишига йўл қўймайди.

Мана, 2004 йил ҳам тарих саҳифасига муҳрланмоқда. У биздан нимага улгурдинг, қай орзуларинг амалга ошмай қолди, деб сўраб ҳам ўтирганиқ йўқ. Бинобарин, бу ҳисоб-китобни биз ўз-ўзимиз билан қилишга мажбурмиз.

Аждодларимиз умрни инсонга берилган бир имкон, деб билишгани рост. Бу имкониятдан ким қандай фойдаланиши одамнинг ўзига боғлиқ. Қуйида ўтаётган йили айрим юртдошларимиз ҳаётида рўй берган ибратли воқеалар хусусида баҳс юритдик. Уларни ўз ҳаётингиз билан таққослаш, хулоса қилиш сиз азизларнинг ҳукмингизга ҳавола.

УЙЛИ БЎЛГАН ОЛИМ

— Бу йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди, — дейди Нурмуҳаммад Умиров. — Фан доктори деган юксак илмий даражага эришдим, фарзандларим яна биттага кўпайди. Энг муҳими, кўп йиллик орзуимга эришдим: пойтахтдан уй олдим.

Катта шаҳарда уйли бўлиш осон эмаслиги ҳаммага аён. Лекин Нурмуҳаммаднинг уй олиши ўзи бир тарих.

Табиийки, илм билан шуғулланаётган одамга бойлик бобида ҳавас қилиб бўлмайди. Нурмуҳаммад ҳам пул жамғармади. Аспирантура, номзодлик диссертацияси, докторантура, докторлик диссертацияси... Хуллас, умр мазмунини илм излашда, деб билди. Уч-тўрт жойда ишлаб, рўзғор тебратди...

Уйсизлик унинг учун энг катта муаммо эди. Отасидан ёрдам сўраш имконсиз. Чунки шундай катта оилани тебратган, фарзандларини уйли-жойли қилиб, саксонни қоралаган отадан пул сўраш... Қолаверса, бойлик борасида отасининг аҳволи ҳам ҳавас қиларли эмас.

Узоқ истиҳоладан кейин ўтган йил бошларида Нурмуҳаммад акалари ҳузурига боришга, улардан ёрдам сўрашга қарор қилди. Пул сўраш... намунча қийин юмуш бўлмаса-я! Ҳатто у аканг бўлса ҳам...

Катта акаси уни самимий қаршилади. Дарров бир жонлини жонсиз қилди. Жиз-биз, сиз-биз бошланди. Олимнинг зиёратига яқин қариндошлар келди. Уй тўла одам. Суҳбат ярим тунгача қизигандан қизиди. Уч акаси ва ўзи қолгач, Нурмуҳаммад мақсадга кўчди. Катта акаси обдон суриштирди: неча хонали уй олмоқчи, шаҳарнинг қаеридан, кимнинг воситасида...

Нурмуҳаммад акаларининг барча саволларига жавоб берди. Яқиндагина енгил машинасини сотган катта акаси пулининг тенг ярмини укасининг олдига қўйди:

— Тағин қарзга деб ўйлама. Бу биздан сенга ёрдам. Илмда давом эт. Мартабанг бундан ҳам баланд бўлсин.

Буни эшитган ўртанча ака каттасига:

— Бизнинг ҳисобдан ҳам ярим миллион қўшинг, кейинги ҳафтада сизга қайтараман, — дея мурожаат қилди.

Учинчи ака ҳам шунча қўшди. Юз истиҳола билан келган Нурмуҳаммад шундай акалари борлиги учун кўп шукрлар айтди.

— Энг қизиғи кейин бўлди, — дейди у. — Бошқа қариндошларникида ҳам меҳмон бўлиб, қайтар эканман, катта акамнинг уйига келсак, акам:

— Ука, сени қаттиқ тергадимми? — деб сўраб қолди.

— Йўқ, аксинча, мен сиздан хурсандман, — дедим.

— Янганг «Арзимаган пул бердингиз-ку, саволларингиз пулингиздан кўп бўлди. Берсангиз миннат қилмай беринг-да», деб бизга дашном беряпти.

Давоми иккинчи бетда.

ТАНИШ ЧЕҲРАЛАР

Касбига эътиқодли санъаткор асло кам бўлмайди. Сирасини айтганда, бундай хислат фақат чинакам қобилиятли ижодкорнинг энг ярашиқ ва чорловчи кучи саналади. Гулчеҳра Жамилова ана шундай кучга, қудратга эга толеи баланд санъаткорлар жумласига киради. Актриса салкам қирқ йил мобайнида шундай тўкис бахтни туйиб, ундан мадад олиб яшади, ижод қилди.

Ижодининг ибтидоси рақс санъати оламида кечган бу санъаткор драма театри саҳнасига рақс дунёсига мансуб тенгсиз жозиб кучни, мафтункор ҳаволарни, дилларни сархуш қилувчи ифорни олиб кирди, десак муболаға бўлмас. Рост кечинмалар, ҳиссий кўламнинг теранлиги ва кўпмаънолилиги, кўзга оловдек ташланувчи аёллик нафосати ва назокати — Гулчеҳра Жамилованинг санъат оламидаги изланишлари маҳсулини бирлаштирувчи яккаш фазилатлар ана шулар. Бундан мустасно, унинг шахс ва санъаткор сифатидаги мени ошуфта этган хислати шуки, у ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳамма вақт, қандай вазият юзага келишидан қатъи назар, ўзи учун аниқ ва тўғри ҳукм-хулосани идрок эта олади ҳамда ўша ҳолатни иймону эътиқоди, ғурурига гард юқтирмаган алфозда тарк эта билади. Зотан, у эзгу маслагу мақсадларига лойиқ, элга манзур мақомдаги амалларга интилиб яшайди, шунга мос ва мутаносиб бўлишни ўзининг чинакам инсоний ақидаси сифатида идрок этади. Шунинг учун бу аҳдида қойим, ўз сўзли санъаткор ҳар бир ролига ҳам, санъат олами ва ҳаётдаги ҳар бир аъмолига ҳам МУНОСИБ эканлиги бизни бениҳоя мафтун этади.

Гулчеҳра Жамилованинг кўп йиллик ижоди ҳақида боз мушоҳада қилиш, соз фикрлар силсиласини қайд этиш мумкин. Унинг ўзига муносиб театр олами, ўзига хос кино дунёси бор, дубляж санъати ҳамда телерадио соҳасида кечган ва кечаётган шундай жиддий ижодий жараёнлар борки, уларни фақат Гулчеҳра Жамилованинг ижодкор сифатидаги шахсияти, иқтидори ва истеъдодини эътиборга олган ҳолда идрок этиш мумкин.

Мухлисларингиз соғинчдан энтикиб Сизни кутади! Шоирнинг мазкур сатрларини Сизнинг шаънингизга раво деб билдик, Гулчеҳра опа:

Кўкда ой, юлдузлар киргандай сўзга
Азиз бошингизга сочар нурини.
Мен юлдуз шуъласин тилайман Сизга,
Мен Сизга тилайман ойнинг умрини.

Ф.ФАЙЗИЕВ,
театршунос

ШОИР ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўзбек тили ва адабиёти факультети ҳамкорлигида ўтказилган хотира кечасида бундан ўттиз беш йил муқаддам ўттиз беш ёшида вафот этган шоир Хайриддин Салоҳ ижоди тўғрисида сўз борди. Профессор Ҳамиджон Ҳомидий дўсти ҳақидаги хотираларидан сўзлаб берди. Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, филология фанлари номзоди Шоира Исаева, шоирлар Ҳайдар Муҳаммад, Барот Исроил, Рустам Мусурмон, Шукур Дадаш, Темур Убайдулло, Шавкат Туроб, адабиётшунос Ортиқбой Абдуллаев Хайриддин Салоҳ ижоди, устоз-шогирд муносабатлари ҳақида фикр юритиб, ўз шеърларидан намуналар ўқишди.

Шерали НИШОНОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

Москвада чоп этиладиган "Дружба Народов" ("Халқлар дўстлиги") журналининг ўзбек адабиёти тараққиётида ҳам ўзига хос ўрни бор. Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби атоқли адибларимизнинг жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинган машҳур асарлари дастлаб рус тилига ўгирилиб, мазкур журналда эълон қилинганлиги кўпчиликка маълум. Ўзбек адабиётининг садоқатли дўсти ва толмас тарғиботчиси Леонид Арамович Тер — Акопян бир неча йилдирки, мазкур журналда ишлайди.

Шу кунларда таниқли муҳаррир сайлов жараёнида эркин кузатувчи сифатида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Яқинда муҳтарам меҳмон Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташриф буюриб, ўзи қарийб эллик йилдан буён яқиндан ижодий ҳамкорлик қилиб келаётган қадрдон дўстлари бўлмиш атоқли адибларимиз билан учрашди.

Меҳмон ҳозирги рус адабиёти, Москва адабий муҳитида рўй бераётган жараёнлар, "Дружба Народов" журналида яқин келажакда эълон қилинажак асарлар ҳақида сўзлаб берди. Журналнинг ҳозирги ўзбек адабиётига бағишланган махсус сонини тайёрлаш мўлжалланаётганини маълум қилди.

Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Али, "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Собир Ўнар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Раҳимжон Отаев ҳозирги ўзбек адабиётида кечаётган жараёнлар, мустақил мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул воқеалар ҳамда яратилаётган янги асарлар хусусида гапирдилар.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2005 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна баҳоси сиз кутганингиздан анча арзон.

Нашр кўрсаткичимиз — 222

Мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш муассасаларида сизни кутиб туришибди.

Обуна чекланмаган.

БАНККА ҚЎЙГАН ПУЛИНГИЗ ТИЛИНГИЗНИ, ОБУНАГА САРФЛАГАН ПУЛИНГИЗ — ДИЛИНГИЗНИ БУТУН ҚИЛАДИ.

UJB O'ZUYJOYJAMG'ARMABANK Imkoniyat yaratamiz

"ҒАЛЛАБАНК" ҲАМКОРИНГ БЎЛСА, ҲИСОБДАН АДАШМАЙСАН!

Йил адоғидаги ўйлар

АСРНИ ЎЙЛАГАН ЛАҲЗАНИ ҚАДРЛАР

Боши биринчи бетда.

— Зинҳор миннат қилганингиз йўқ. Сиздай акам борлигидан хурсандман, — дедим.

Шунда акам қўйлари, молларини кўрсатиб, шундай деди:

— Ука, етса молим, етмаса жоним. Сендан аяйдиган нарсам йўқ. Биз берган пул уй олишга етмаса, мана буларнинг ҳаммасини сотиб бўлса ҳам, сенга уй олиб бераман. Жон соғ бўлса, мол топилади.

— Елкамдан қанот ўсиб чиққандай бўлди, — дейди Нурмуҳаммад. — Укани, илмни қадрлайдиган шундай акаларим борлигидан кўнглим тоғдай кўтарилди. Ҳаёт кўзимга янада гўзал кўриниб кетди. Шундай қувончларни ато этган йилдан қувонмай бўладими?

ҲАММА ГАП БОШДА...

Ўтаётган 2004 сана физиология фанлари доктори, профессор, жаҳон биологлар жамияти академиги Бакридин Зарипов учун ҳам янгидан-янги муваффақиятлар йили бўлди. Бакридин ака яқинда машҳур физиолог олим М.П.Павловга Нобел мукофоти берилганининг 100 йиллиги муносабати билан Санкт-Петербургда ўтказилган нуфузли халқаро анжуманда иштирок этди. Бугина эмас. У физиология соҳасида кўп йиллардан буён олиб бораётган илмий изланишлари учун Россия фанлар академияси таъсис этган олтин медал совриндори бўлди. Табиийки, бу юксак эътироф.

Ушбу воқеани эшитиб, ўзбек олимининг ютуғидан бениҳоя қувондим. Бакридин акани яхши биладиган устозлардан уй телефонларини олиб, эрталаб қўнғироқ қилдим. Салом ва табрикдан кейин ўзимни таништирдим.

— Ассалому алайкум дегани «Сизга соғлик, тинчлик тилайман», демакдир, — дейди. Бакридин ака. — Халқимиз сўзни шундай яхши ниятдан бошлайди. Менинг касбим — физиология ҳам инсон саломатлиги билан боғлиқ. Шу маънода, янги 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганидан беҳад хурсандман.

Ўтган 2004 йилдан мамнунман. Илм билан шуғулланаётганимга чорак асрдан ошди. Устозим академик А.М.Угилев раҳбарлигида бошлаган илмий изланишларим ўз самарасини бераётганидан қувончдаман.

Санкт-Петербургда бўлган илмий анжуманда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларидан олимлар иштирок этди. Унда олтин медал билан тақдирланганим фақат менинг ютуғим эмас. Бу физиология соҳаси Ўзбекистонда юксалишга юз тутганлигининг жаҳоний эътирофидир.

Ҳар қандай ютуқ замирида заҳматли меҳнат, узлуксиз машаққат ётади. Шунинг учун илм соҳасига янги кириб келаётган ёшларга насиҳатим: меҳнатдан қочманг. Мақсад сари сабот билан интилинг, ниятингизга етасиз.

Мени, бир зиёли сифатида, мактабларнинг ҳолати ўйлантириб юрарди. 2004 йил бу борада ҳам мен учун қувончли бўлди: Президентимиз мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мактаб таълимини ривожлантириш бўйича махсус Фармон қабул қилди. Ўз вақтида қабул қилинди бу Фармон.

Фармонни ўқиб, олий таълим тизимида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган мутахассис сифатида, мактаблар билан ҳам алоқани узиб қўймаслигимиз кераклигини чуқур ҳис этдим. Ўқувчилар билан учрашувлар ўтказиш, баъзан уларга дарслар бериш зарур экан, деган хулосага келдим. Катта илмга замин мактабда қўйилади ахир.

Японларнинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги шиорини эсланг: «Аввал бошни тўйдирайлик, қоринни бош тўйдиради». Чиндан ҳам чуқур билимли, маърифатли одамларсиз бирорта ҳам соҳани ривожлантириб бўлмайди. Шифокор етарли билимга эга бўлмаса, беморни ўлдиришгагина ярайди. Нодон агроном қанча-қанча ҳосилни бербод қилиши тайин. Ўзи жоҳил бўлган ўқитувчига авлод тарбиясини ишониб топшириб бўлмайди.

Яқинда бир ҳадис ўқидим: «Илм ўрганинглар, илм зулматда қуёш, ваҳшатда ҳамроҳ, ёлғизликда йўлдош, бегона юртда сирдош, оғир дамларда раҳбар, душманга қарши курашда энг зўр қуролдир». Биз болаларимизга илмнинг моҳиятини мана шундай тушунтиришимиз керак.

Ўтаётган йилдан яна бир қувончим: неварам АҚШда — мактабда ўқияпти. Бу мустақиллик шарофати. Куни кеча телефонда гаплашдим. «Дадажон, мен Ўзбекистоннинг боласиман. Сизни, Ўзбекистонни соғиндим», дейди. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Шу мурғак боланинг самимиятидан қаттиқ таъсирландим.

Табиийки, ўтаётган йилда амалга ошмай қолган орзуларим ҳам бор. Шогирдларим номзодлик, докторлик диссертациялари устида ишлаяпти. Улар илмда юксак марраларга эришса, дейман.

Биз бир нарсани англашимиз керак. Буни Президентимиз ҳам кўп таъкидлайди. Четдан ҳеч ким келиб, бизнинг муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди. Буни фақат баркамол авлодларни тарбиялаш орқали ўзимиз ҳал қилишимиз мумкин. Мана шу улуғ мақсадга озгина улуш қўша олсам, ўзимни бахтиёр сезаман.

МАҚСАДГА ОСОНГИНА ЭРИШИЛМАЙДИ

Саид қишлоқда ўсди. Мактабда ёмон ўқимади. Натижада, пойтахтдаги нуфузли олий ўқув юртида таҳсил олди, олий маълумотли бўлди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўқиган эмасми, ҳукуматнинг фермерликка бўлган эътибори уни бефарқ қолдирмади. Ўтган йили фермерлар танлови (тендер)да ғолиб бўлди.

Шундай қилиб, Саидбой фермерга айланди. Табиийки, бу ҳали ҳаммаси эмас. Аканг қарағай, зўр фермер бўлиш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Қолаверса, у бир амаллаб олган трактори эски. Ҳар бир ишни бажариш учун накд пул керак. Банкдаги ҳисоб рақамидан накд пул олиш маҳол. Машина-трактор паркидаги тракторлардан фойдаланиш учун кўп навбат кутиш керак. Нима қилиш мумкин?

«Уят ўлимдан қаттиқ», дейдилар. Саидбой бўш келадиганлардан эмас. Уйидаги молларини сотиб, пулини ерга сарфлади. Кечани кундузга улади. Олий маълумотлиман, деб қараб ўтирмади. Зарур бўлганда, ишчи ёллади, елди-югурди.

«Меҳнатнинг таги роҳат», деганлари рост экан. Саидбой режани ҳам уддалади, яхшигина даромад ҳам олди. Лизингга янги трактор олиш учун ҳужжатларни расмийлаштирди. Янги машина олиш тараддудига тушиб қолди.

— Ҳаракат астойдил бўлса, натижа ҳам шунга яраша бўлар экан, дейди фермер Саид Холиқназаров. — Дастлаб, ҳаммаси қийин туюлганди. Таъмагирлар, ёлғончилар билан ишлашга тўғри келди. Биттаси билан муроса қилсам, бошқаси билан айтишдим. Худога шукур. Сотган молларим ўрнига яхшироқларини сотиб олдим. Ҳисоб рақамимда етарли маблағим ҳам бор. 2004 йил менинг ҳаётимида туб бурилиш йили бўлди десам, муболаға қилмаган бўлардим.

Бугун имкониятларим яна ошди. Ўз яқинларимгина эмас, кўпчилик ҳамқишлоқларимни иш билан таъминладим. Бошқаларга фойдам тегаётганидан хурсандман.

«Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал». Ғафур Ғуломнинг бир шеърида шундай мисра бор. Дарҳақиқат, умрнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билган, уни «халқ ғамидин ғами» бўлган ҳолда ўтказа олган инсонгина ҳурматга лойиқ.

Умримизнинг яна бир йили билан хайрлашяпмиз. Унда, ютуқлар билан бирга, йўқотишлар ҳам бўлгани тайин. Қанча яқинларимиз, устозларимизни орамиздан олиб кетди бу йил. Лекин бир таскин бор: улар бошлаган эзгу ишлар давом этяпти.

Яна бир муҳим жиҳат: ўтаётган йилда юртимизда мустақиллик шарофати билан бошланган улкан ислоҳотлар янги бир юксалиш босқичига кирди. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида муайян ютуқларга эришдик. Муаммолар ҳам йўқ эмас.

Қонун чиқарувчи органимиз — Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳам ушбу йилнинг энг муҳим воқеаларидан бўлиб қолиши тайин. Бинобарин, янги йилдан икки палатали парламентга ўтамиз.

Шуларнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, ўтаётган йилимиз самарали, баракали йил бўлди. Эшик қоқаётган янги 2005 йилдан ҳам умидларимиз катта. Илоё, шу умидларимиз рўёбга чиқғай. Янги йил янгидан-янги муваффақиятлар, юксалишлар йили бўлгай!

Нурбой АБДУЛҲАКИМ

17-18 декабр кунлари Самарқандда Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланди

КЎНГИЛЛАРГА ИНГАН НУР

Марказий Осиё заминида вужудга келган нақшбандия тариқати асрлар давомида ўлкамиз ҳамда бир қатор яқин ва олис мамлакатлар маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатиб келмоқда. Ушбу тариқатнинг темурийлар давридаги буюк раҳнамоси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ўз замонасида Баҳоуддин Нақшбанднинг улуғ инсонпарвар таълимотини ривожлантириш билан бирга, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни барқарор этиш, элу юрт фаровонлигини ошириш юзасидан ҳам катта хизматлар қилган. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби Шарқ маданиятининг атоқли арбоблари улуғ шайхни ўзларига маънавий пир деб билишгани ҳам унинг нақадар мўътабар шахс бўлганлиги далилидир. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор мероси ҳамда унинг фаолиятини ёритувчи қатор асарларни илмий тадқиқ этиш ҳозирги даврда ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб, темурийлар давридаги маданий-маънавий ҳаёт, ҳатто сиёсат ва иқтисодиётни тўлароқ ўрганишимизга ёрдам беради.



Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги қарори асосида белгиланган тадбирлар доирасида шу йилнинг 17-18 декабр кунлари унинг асосий фаолияти кечган Самарқанд шаҳрида "Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуман ЎзРФА вице-президенти Т.Мирзаевнинг кириш сўзи билан очилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов, Самарқанд вилоят ҳокими М.Нурмуродов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Бахромов жаноблари анжуман иштирокчиларини шундоқ қутлуғ тадбирга йиғилганликлари билан табрикладилар. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов ўз нутқида Хожа Аҳрор сиймосини бадиий адабиётда яратиш муаммоларига тўхталиб, ўз пайтида мафкуравий тазйиқлар бу хил асарларга салбий таъсир ўтказганини таъкидлади.

— Истиқлол давридаги ижод эркинлиги адибларга бу табаррук мавзуга холисона ёндашиш имкониятини берса-да, барибир, масъулият ниҳоятда юқори бўлиб қолаверади, — деди А.Орипов.

Таниқли олимлар Б.Валихўжаев, О.Бўриев маърузалари Хожа Аҳрор яшаган давр, унинг ҳукмдорлар билан муносабати, оддий халққа ғамхўрлиги каби масалаларга бағишланди. М.Ҳасаний, У.Уватовлар Хожа Аҳрор ўзи ёзган ва у ҳақда ёзилган асарларнинг қўлёзмалари, таржималари, нашрлари ҳақида маълумот беришди. Тасаввуфшунос олим Н.Комилов анжуман иштирокчилари эътиборини икки буюк аллома — Ибн Арабий ва Хожа Аҳрор таълимотларидаги айрим ўхшаш ва фарқли жиҳатларга жалб этди. С.Саъдиев, Ҳ.Исломий, А.Жуманазаров, Н.Ҳасан маърузаларида Махдуми Аъзам Даҳбедий, Алишер Навоий, Аҳмад Сирҳиндий, Ҳазиний каби улуғ шахсларнинг Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва таълимоти ҳақида билдирган фикрлари баён қилинди. Р.Орзибеков Хожа Аҳрор авлодларидан бири зуллисонайн шоир Султонхон Адо Аҳрорий мероси ҳақида гапириб, ўзбек ва тожик мумтоз адабиётига катта ҳисса қўшиб, "малик уш-шуаро" унвонини олган шоирнинг ҳозиргача қўлёзма ҳолида қолиб келаётган меросини йиғиб нашр этиш адабиётшунослар олдидаги муҳим вазифалардан эканини таъкидлади.

Бошқа маърузалар ҳам аллома ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг муҳим жиҳатларига бағишланди. Албатта, ушбу анжуманни ўтказишдан асосий мақсад улуғ аждодимиз хотирасига эҳтиром билдириш баробарида аҳроршуносликда шу пайтгача амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда келгусидаги вазифа ва режаларни белгилаб олишдан иборат эди. Шу жиҳатдан, Хожа Аҳрор асарларининг "Табаррук рисолалар" номи билан нашр этилгани, унинг фаолиятига доир бош манбалардан бири — ўз шогирди Фахриддин Али Сафийнинг "Рашаҳот" асари нашри қутлуғ тўйга муносиб тўёналар сифатида эътироф этилди. Айниқса, Хожа Аҳрорнинг ҳазрат Алишер Навоий тўплаб мураққаъ (албом) тузгани туфайли бизнинг давримизгача етиб келган дастхат мактублари Голландиянинг Брилла нашриётида аслият ва инглиз тилидаги таржимаси ҳамда муфассал илмий изоҳлар билан нашр этилгани ўзбек фанининг жаҳоний миқёсларга чиқишга қодир эканини яққол исботлади. Устоз манбашунос олим А.Ўринбоев томонидан америкалик олима Жо Анн Гросс ҳамкорлигида амалга оширилган ушбу нашр Хожа Аҳрор мероси нафақат ўзбек халқи ва бошқа мусулмон халқлари, балки миллати ва динидан қатъи назар, бутун жаҳон аҳли учун аҳамиятли ва эъзозли эканлигини кўрсатди.

Икки кун давомида қизғин муҳокама-мунозаралар билан ўтган анжуман мажлисларини ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори Б.Абдуҳалимов бошқарди. Анжумандан сўнг иштирокчилар Хожа Аҳрор ва унинг авлодлари қабрларини зиёрат қилишди. Буюк шайх руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий фаолияти ва меросига қизиқувчилар мамлакатимизда ва хорижда кўпчилик экани ҳисобга олиниб, анжумандаги маърузалар тезислари китоб ҳолида нашр этилди. Ундан 30 дан зиёд маърузалар ўрин олган. Мазкур тўплам ўтмиш маънавий меросимиз мухлисларини Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор фаолияти ва таълимотининг турли жиҳатлари билан таништиради ҳамда қисман нақшбандия тариқатининг кейинги асрлардаги ривожини кузатиш имконини беради.

Ғулом КАРИМ,
ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

Тадқиқот, ахборот

РАСАДХОНА ҲУЖЖАТИНИ КИМ ТОПГАН ЭДИ?

XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда кўплаб маърифатпарвар зиёлилар, ўлкашунос олимлар, хаттот ва таржимонлар яшаб ижод қилганлар. Улар Туркистоннинг ўтмишдаги бой тарихи, турмуши, урф-одатлари, касб-кори, маданияти ва санъатига меҳр ва қизиқиш билан қараб, бу соҳада нодир қўлёзмалар, осори атиқалар тўплаб, уларни ўрганиб, тадқиқ этдилар, турли асарлар, кундаликлар ёзиб қолдирдилар.

Ана шундай фидойи зиёлилар қаторида самарқандлик Абу Саид Махзумнинг алоҳида ўрни бор.

Абу Саид Махзум халқимизнинг қадимий ёдгорликлари тарихининг йирик билимдони, ажойиб хаттот ва таржимон эди. У тахминан XIX асрнинг 60-йилларида Самарқанднинг заргарлар ва хаттотлар даҳасида, замонасининг ўқимишли кишиларидан бири — Шайбонийхон мадрасасининг бош мударриси Мулла Абдуқаюм қози бинни Мулла Абдурашид хонадонида таваллуд топган. Мулла Абдурашид тарих, математика, астрономия, география ва бошқа фанларни яхши билган олим ва айни чоғда моҳир хаттот ҳам эди. Унинг нодир қўлёзма китоблардан иборат катта кутубхонаси бўлган.

Ана шундай муҳитда ўсиб тарбия олган Абу Саид Махзумнинг илмга қизиқиши жуда эрта бошланди. Китоб ўқишда завқи баланд бўлган Абу Саид кўп вақтини отасининг кутубхонасида ўтказар эди. Ўқиш ва ёзишни ҳам, хаттотлик санъати сирларини ҳам дастлаб отасидан ўрганди, кейинчалик мадраса таълимини олди.

Ёшлигидан яхши таълим ва тарбия кўрган Абу Саид Махзум талантли хаттот ва таржимон бўлиб етишди ва тезда назарга тушди. Ўспиринлик давридаёқ Алишер Навоий, Бедил, Жомий асарларидан ва бошқа нодир Шарқ қўлёзмаларидан нусхалар кўчира бошлаганди. У XIX аср тарихчиси, шоир ва табиб Абу Тоҳир Хўжа Самарқандийнинг 1844-1848 йилларда ёзилган машҳур "Самарийа" асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Бу асар 1884 йили рус шарқшуноси Н.П.Остроумов томонидан Тошкентда чоп этилди.

Кейинчалик Абу Саид Махзум XIX аср бошларида яшаб ижод қилган, фарғоналик машҳур сайёҳ, олим ва адиб Ҳожи Муҳаммад Ҳакимхоннинг 1843 йили ёзилган Ўрта Осиё ва, айниқса, Фарғона тарихини ўзида мужассам этган "Мунтахаб ат-таворих" асаридан 1899 йили аниқ ва чиройли нусха кўчирди.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Абу Саид Махзум ижодига рус шарқшуносларининг назари тушади. У 1885 йили Самарқандга келган Петербург университетининг профессори Н.И.Веселовский (1848-1918 й.) билан танишиб, унга настаълиқ хатида ўзи кўчирган "Самарийа"ни тақдим этади. Шунингдек, шарқшунос С.А.Лапинга 1895 йили босилиб чиққан "Самарқанд шаҳридаги тарихий ёдгорликлардаги ёзувларнинг таржимаси", 1896 йили эълон қилинган "Шоҳи Зинда ва ундаги қабртош ёдгорлиги" илмий мақоласини, қадимшунос Г.А.Панкратьевга 1910 йили нашр этилган "Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари" китобини тайёрлашда яқиндан кўмаклашди. Бу муаллифлар ўз мақола ва китобларида муқаддималарида Абу Саид Махзум кўрсатган беғараз ёрдам учун ўз миннатдорчиликларини билдириб, унинг билими ва ҳунарини юксак баҳоладилар. Профессор Н.И.Веселовский Абу Саид Махзумга: "У Самарқанд фуқаролари ичида энг ўқимишли одам" деб баҳо беради ва ўз илмий ишлари ҳамда 1905 йили чоп эттирган Гўри Амир мақбарасига бағишланган албомни тайёрлашда унинг маслаҳатлари, кўмагидан самарали фойдаланганлигини айтиб ўтади.

Бундан 100 йил илгари, 1904 йилнинг ёзида эса Абу Саид Махзум қадимий Афросиёб харобаларида археологик қазиш ишларини олиб бораётган шарқшунос олим В.В.Бартольд билан танишиб, унга илмий ишларида яқиндан ёрдам кўрсатади. Абу Саид Махзум Гўри Амир, Шоҳи Зинда мақбаралари, Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари ва Самарқанднинг бошқа тарихий ёдгорликларида сақланиб қолган қадимий ёзувлардан аниқ ва нафис нусхалар кўчирди. Айни пайтда у араб ва форс тилларини мукаммал билгани сабабли, тарихий бинолардаги айрим ҳарфлар, сўзлар, жумлаларнинг вақт ўтиши билан ўчиб кетган қисмларини асл ҳолига келтиришда ҳам муносиб ҳиссасини қўшди. Жумладан, Улуғбек мадрасаси ёзги биносининг дарсхона деворига битилган ёзувни асл ҳолига келтирди.

Абу Саид Махзум кўчирган ва қайта тиклаган, фан учун катта илмий аҳамиятга молик бу нусхаларнинг айримларини шарқшунос С.А.Лапин 1896 йили Самарқандда, Э.Блоше эса 1897 йили Парижда эълон қилдилар. Абу Саид Махзумнинг бевосита ёрдами билан Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонаси қолдиқларини қидириб топиш ўша давр қадимшунослигининг жаҳоншумул ютуқларидан бири бўлди.

Абу Саид Махзум ўзи туғилиб ўсган жойнинг ўтмиш тарихини яхши билганлиги учун ҳам расадхона жойлашган ерни қидириб топишга аҳд қилди ва ўша давр тарихига оид қўлёзма ҳужжатларни қайта-қайта синчковлик билан ўрганишга киришди. У битта ҳужжатни (бу ноёб ҳужжат ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда) ўқиб ҳайратга тушади. Чунки унда кўп вақтлардан бери изланаётган маълумот бор эди. Яъни бу ҳужжатда (1546 йил 15 мартда Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқанд шаҳридаги қабри ва хонақосига атаб, унинг фарзандлари томонидан таъсис этилган Вақфнома) Улуғбек расадхонасининг аниқ жойи кўрсатилганди. Вақфномада "Оби раҳмат ариғи, қишлоқ аҳолиси хонадонларига қарашли бедазор, масжид ҳудуди, катта дарё сари йўл" каби сўзлар битилган эди. Вақфномани ўқигач, расадхона таги расад тепалигида эканлигига Абу Саид Маҳзумда ҳеч шубҳа қолмади. У тезда В.Л.Вяткин ва Эгамхўжа Муродхўжаев ишлаётган Афросиёб тепалигига бориб, қўлидаги қимматли топилмани кўрсатганда, улар ҳайратда қолдилар.

Шундай қилиб, Улуғбек расадхонаси харобаларини қидириб топишда Вяткинга Абу Саид Махзум жуда катта ёрдам берди. Академик В.В.Бартольд бу ҳақда: "Абу Саид Махзумнинг ёрдами Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни аниқлаб олишда ҳам, қазишма ишларини олиб боришда ҳам жуда қимматли бўлди", деб ёзган эди. Қадимшунос В.Л.Вяткин эса: "Абу Саид Махзум менинг донишманд маслаҳатгўйим бўлиб қолди, у менга ҳамиша холисона ёрдам бериб келяпти", деб ўз вақтида эътироф қилган. Профессор Б.В.Лунин ҳам: "Улуғбек расадхонаси харобаларини қидиришда В.Л.Вяткинга унинг доимий ва фаол ёрдамчиси, ажойиб хаттот ва маҳаллий ернинг ўтмишини яхши биладиган самарқандлик Абу Саид Махзум жуда катта ёрдам берди", деб таъкидлайди.

Кўринадики, Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни аниқловчи вақф ҳужжатини ўлкашунос В.Л.Вяткин эмас, балки самарқандлик ўлкашунос олим, шарқ қўлёзмаларининг йирик билимдони Абу Саид Махзум топган. Афсус, баъзи тадқиқотчилар ҳозиргача Улуғбек расадхонаси жойлашган ерни ҳам, вақф ҳужжатини ҳам В.Л.Вяткин топган, деб таърифлаб келадилар.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ушбу ноёб вақф ҳужжати Самарқанддан, ўзимизнинг маънавий меросимиз хазинасидан топилган. Шунга кўра, шарқшуносларнинг Жаҳон Конгресси доимий маркази — Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганувчи Россия Комитети 1909 йилнинг 11 февралида (расадхона қолдиқлари топилганидан кейин) Самарқандда олиб борилган археологик тадқиқотларда В.Л.Вяткинга яқиндан ёрдам берганлиги учун Абу Саид Махзумни 100 сўм пул билан мукофотлаш тўғрисида қарор чиқарди. Рус археология Жамияти эса 1910 йилнинг 25 ноябрида Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топганлиги учун ҳамда "Туркистон археологик бойликларининг таниқли тадқиқотчиси" сифатида Вяткинни академик В.Р.Розен номидаги олтин нишон билан тақдирлайди. Афсуски, мустамлака давридаги ижтимоий тузум ҳар соҳадагидек Абу Саид Махзум сингари маҳаллий олимларнинг машаққатли меҳнатини қадрламади.

Ачинарлиси шундаки, олимларимиз томонидан XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари тарихи, маданияти, бой илмий мероси ўрганилган, дарж қилинган мақола ва китобларда ҳам Абу Саид Махзумнинг Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топишдаги хизматлари аниқ баён этилмаган, фан тарихига буюк ҳисса қўшган бу инсоннинг номи тилга олинмаган. Назаримизда, Мирзо Улуғбек расадхонасини қидириб топиш ва уни қазиб очишда самарали меҳнат қилган ўлкашунос олим Абу Саид Махзум сиймоси унут бўлмаслиги керак.

Унинг номини абадийлаштириш — олимнинг хизматларига нисбатан тарихий адолатни тиклаш бўлур эди.

Гулсара ОСТОНОВА,
тарих фанлари номзоди,
Рашид БОЙТУЛЛАЕВ,
санъатшунос

ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ

“Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасининг асосий мақсади халқимиз маънавий эҳтиёжини юқори бадиий савияда яратилган қўшиқлар билан қондиришдир. Хўш, бугун ўнлаб давлат ва нодавлат радио-телеканалларда, тўй-томошаларда, республика концерт саройларида қандай қўшиқлар куйланмоқда? Ёш эстрада хонандалари олдида қандай вазифалар турибди? Янги йил олдидан бу каби саволларга яна бир бор ойдинлик киритиб, 2005 йилнинг ижодий режаларини тузиш мақсадида “Ўзбекнаво” бирлашмаси “Туркистон” саройида бирлашманинг барча вилоятлар раҳбарлари, шоирлар, бастакорлар ва мусиқашунос олимлар иштирокида очиқ суҳбат ўтказди.

Суҳбат давомида вилоятларда ижод қилаётган ёш истеъдодли хонандалар, шоир ва бастакорлар билан ҳамкорликда янги қўшиқлар яратиш, эстрада санъати ижодкорларининг фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилишига эришиш, гастрол-концерт фаолиятини такомиллаштириш, овоз ёзиш студияларининг ишини яхшилаш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилди. Икки кун давом этган учрашув-суҳбат давомида бирлашманинг вилоятлар раҳбарлари ижодий аттестациядан ўтказилдилар.

А.РАҲИМОВ

РАЖАБИЙГА МУНОСИБ ФАРЗАНД

Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов 70 ёшга тўлди



Машҳур одамларнинг фарзандлари, назаримда, икки тоифа бўладилар. Бир тоифадагилар ота-оналарининг номини рўкач қилиб, уларнинг шуҳрати соясида яшашни, шу йўл билан енгилроқ ҳаёт кечиришни афзал биладилар. Иккинчи тоифадагилар эса, ота-оналарининг буюклиги, улар хизматлари бебаҳолиги билан фахрланиш баробарида, ана шундай номдор инсонларга муносиб фарзанд бўлиш, ўзларининг меҳнатлари билан ота-оналари номини янада юксакларга кўтариш йўлида тинимсиз изланадилар, машаққат довонларини бирма-бир босиб ўтишдан чарчамайдилар.

Халқимизнинг севимли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов ана шу иккинчи тоифа инсонлар сирасига киради. Бинобарин, бу санъаткор отаси — мумтоз мусиқамизнинг бекиёс билимдони, академик Юнус Ражабий яратиб берган яхши ижодий муҳитдан фойдаланибгина қолмай, уни ўз ижод маҳсуллари билан бойитди, санъат оламини файзиёб қилишга муносиб ҳисса қўшди.

Очиғи, Ўткурий деган номни эшитиши билан кўпчиликнинг юзига табассум югуради ва дарҳол Обид аканинг қиёфасини кўз олдига келтиради. Ёки бунинг акси.

Бироқ бу «Парвона» спектаклидаги Ўткурий образи Обид Юнусов ижодий камолотининг чўққиси дегани эмас. Зеро, актёр ижодида чуқур драматизм билан йўғрилган, ўзбек саҳна санъатида воқеага айланган образлар талайгина. Режиссёр Баҳодир Йўлдошевдаг бир вақтлар Обид ака ҳақидаги фикрларини сўраганимда шундай деганди: «... Баъзилар Обид акани комик актёр, деб ўйлашади. Албатта, бу нотўғри, бирёқлама фикр. Ахир, ўзингиз ўйланг, Ўткурий қаёқдаю Ибн Сино, Кирилл образлари қаёқда. Обид ака ўзига берилган ҳар қандай ролни маҳорат билан ижро эта олувчи актёрдир».

Обид аканинг ўзи ҳам «Оқшомдан тушгача» спектаклидаги Кирилл образи ҳақида марок билан эслайди: «Кирилл ролини маза қилиб ўйнаганман. Қани эди, шунақа роллар кўпроқ бўлса». Ўз қилган меҳнатидан қониқиш дегани шу бўлса керак. Менимча, санъаткорнинг ҳар бир роли, хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик — маромига етказиб ижро этилган. Албатта, Миллий театр саҳнасида 40 йилдан ортиқ ижодий фаолияти давомида яратган барча образларини санаш, уларга таъриф беришнинг имкони йўқ. Қолаверса, бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Чунки бугун Обид аканинг ўзбек миллий театр санъати ҳаётида ўзига хос ўрни борлиги, фақат Обид Юнусовгагина хос ижро услуби, маҳорат мактаби юзага келгани актёр яратган образларга берилган баҳо, мутахассислар ва мухлислар эътирофидир.

Бу баҳо ва эътирофларни фақат саҳнада яратган образларига эмас, кинода, телеспектаклларда, дубляжда тер тўкиб қилган ижодий меҳнатларига, тинимсиз изланишларига ҳам бемалол татбиқ этиш мумкин. Биз кўпинча «Ўзбекистонда дубляж ҳақиқий санъат даражасига кўтарилганди, қардош республикалар ўзбек дубляжи ютуқларига ҳавас қилишарди», деган гапларни эшитиб қоламиз. Дарҳақиқат, шундай бўлганди ва дубляж санъатини шу даражага етказган фидойилар орасида Обид Юнусов ҳам бор. «Фильм қаҳрамонларига овоз бериш — матн ўқиш эмас, — дейди Обид ака, — балки образнинг ҳолатига кириб, уни ижро этиш демак.» Унинг бу сўзларини дубляждаги ҳар бир ишига бемалол татбиқ этиш мумкин. Бунинг учун «Сангам» филмини ўзбек тилида кўриш кифоя, деб ўйлайман. Қизиғи шундаки, икки марта ўзбек тилига ўгирилган бу филмда ҳар икки бор Раж Капур ижросидаги Сундар образига Обид ака овоз берган. Орадан қанча йил ўтиб, ёшда ҳам фарқ бўлишига қарамай, актёр иккинчи марта ҳам меъёрига етказиб дубляж қилган. Айтишларича, кейинги дубляж вақтида Раж Капурнинг сўзлаш темпи ва оҳангига мос актёрни топишга қийналиб, режиссёр Обид Юнусовнинг ўзига мурожаат қилган экан. Актёрнинг эътирофига кўра ҳам, у актёрлардан Раж Капур ва Юрий Никулинга овоз беришни хуш кўрар экан. Сабаби, уларнинг ҳар иккиси ҳам ички ҳиссиётга бой актёрлар бўлиб, О.Юнусовнинг ижодий йўналиши ҳам айнан шундай характерлар яратиш имконини беради.

Ҳақиқий актёр учун қаерда рол ижро этишнинг фарқи йўқ — театрдами, дубляждами ёки кинода — қаерда бўлмасин, у томошабинга ёқади. Обид Юнусовнинг катта экранда яратган бир неча роллари бунинг ёрқин мисолидир. Биргина «Тўйлар муборак» филмидаги куёвбола — Юнус ролини олайлик. Обид ака содда, оққўнгил, ишонувчан куёв образини шундай табиий яратганки, баъзи эпизодларда юрагинг сиқилганидан «дод» деворгинг келади. Шу рол туфайли «Ўткурий»нинг ёнига «куёв» лақаби ҳам қўшилди.

Сўнгги йилларда Обид ака кўпроқ киностудияда ижод қилди. «Чаёнгул» филмида ўйнаган роли учун Бухорода ўтган миллий филмлар фестивалида махсус диплом ва совринга сазовор бўлди. «Шарпа» филмида бош ролни, олти қисмли «Фидойилар» телесериалида Пир ролини ижро этди.

Хуллас, актёр театр, кино, дубляж, радио, телевидение — ҳаммасида ижод билан банд. Бу ёқда дутор чертиб, хониш қилиш. Дарҳол ёдингизга Ўткурийнинг «Қарамайсиз» ашуласи келган бўлса керак. Қанчалар қочирим, пичинг, тагдор боқишлару имо-ишораларга бой бу хониш қанча одамларга ёд бўлиб кетган. Бир суҳбатимизда Обид акага «Мабодо, ҳаётингизни бошқатдан бошлаш имконияти бўлса, қандай касбни танлардингиз?» деб сўраганимда, шундай деганди: «Қайта туғилсам, яна санъат соҳасини танлардим. Лекин бу сафар қўшиқчи бўлардим. Чунки инсон дарду аламларининг ҳам, шодликларининг ҳам ифодаси қўшиқ. Битта яхши қўшиқ дилингдаги бор ғуборни ювиб кетади».

Ҳа, бу машҳур ҳофиз фарзандининг эҳтиёжи ва эътирофи. Обид ака фақат санъатда эмас, ҳаётда ҳам отаси ўгитларига амал қилиб келмоқда. Отамерос ҳалоллик, лафзда туриш, тўғрилик Обид Юнусовнинг маънавий аъмоллари.

Етмиш ёшни қоралаган бугунги кунда рафиқаси Шаҳло опа, ўғиллари Олим ва Наби ҳамда набиралар қуршовида яшаб ижод қилаётган Обид аканинг ҳаётда ҳам, санъатда ҳам умри боқий бўлишини тилаймиз.

Гулчеҳра УМАРОВА

Узро

АЙТСАМ, БУНДА ҲАР ЗАРРА ОШИҚ...

Осмон узоқ дейдилар, балки
Ер ҳам шунча узоқ самога.
Ажаб, оппоқ қор учқунлари
Инондийкин қай бир рўёга?

Не сири бор, бор не қудрати,
Мунча олис сафарга чиқмиш.
Митти жони не синоатдан
Умид деган ҳикматни уқмиш?

Ҳижрон чекиб еру кўк аро,
Оқ умидлар етиб келдилар.
Оппоқ бўлиб кетди замин ҳам,
Улар буни қайдан билдилар...

Айтсам, бунда ҳар зарра ошиқ,
Сени ёниб кутарлар, ишон.
Ҳақ қудратин кўрдим-ку сенда,
Осмонлардан келиб қўнган жон.

Муҳаббатинг шунчамиди, айт,
Оҳ, сен ерни топдинг дунёдан.
Ишқ водийсин кечиб ўтганим,
Кўнгил бўлсин санга Узродан...

* * *

Бу ҳижрон коргоҳида
Биза ошиқлик етди.
Бир кўнгил, бир жонимни
Ишқ ўти ола кетди.

Ўз дардимга бошпана,
Бир ғаройиб кулбаман.
Ишқ билганга донишу
Билмаганга телбаман.

Кўнглимга орзу келар,
Умидми бу ё ўйин.
Кеча-кундуз кўрарман
Ҳижронингни бахт тўйин.

Базм қуриб азоблар
Ашким ичиб ётишур.
Юрагим ўтга қалаб,
Бағрим юлиб отишур.

Кўнглим — қадаҳ ҚОН тўла,
Синдирарлар мастона.
Ўз жонимга етмайди
Вужудимда остона.

Юрак бир урса минг бор
Куйди кўксим юртида.
Яздона элтаримдур
Жон қолса ишқ ўтида.

КУЙ АВЖИДА

Тинмайми ё тўймайми ёғар
Гоҳ ёмғир, гоҳ озода қорлар.
Осмонингдан келаётирми,
Йиғлаб-йиғлаб ишқингда зорлар.

Бизга боққан кунлармикин бу,
Хазинасин сочаётир кўк.
Кун олдига қўйиб китобин
Сафҳа-сафҳа очаётир кўк.

Ёққан сари ёришар олам,
Само кўнглин айтаётгандай.
Гўё ўзин фалакка чайиб
Денгиз кўкдан қайтаётгандай.

Тўлқинлари сас берар дилда,
Куй авжида юрагим тўлиб.
У сарҳаддан бу сарҳад аро
Кўнглим кетди мажнунинг бўлиб.

Ватан, келдим ишқинг куйидан,
Мен кўнглимдан бошлаб ошиғинг.
Ҳар заррада минг жон куйи бор,
Мен-ку ҳали бир жон қўшиғинг.

ОЙ

Ҳаммани шоир этган
Кўкларга доиримсан.
Осмон кўксидаги шеър,
Энг катта шоиримсан.

Покиза талъатингдан
Тунлар ёришиб кетар.
Ой юзингга термулиб
Кўнгиллар санга етар...

* * *

Қорлар ёғди, излар босилди.
Ерга тушолмаган сўзларим
Дарахт шохларига осилди.



Энди бир бор шафқатинг билан
Нигоҳингдан эрир сўзларим.
Ва баҳорда гулга айланиб
Ердан униб чиқар кўзларим...

МАЖЛИС

Ер эшитди мажлисни
Одамлар эшитмади.
Одатдагидай гап-сўз,
Ҳеч ишни пишитмади.

Ҳамманинг боши қотган,
Эшитмай жилмадилар.
Мажлиснинг мавзусини
Ҳаттоки билмадилар

Лоқайдлар лоқайдгина
Йиғинни енгиб кетди.
Гап гаплигича қолиб,
Жим ерга сингиб кетди...

Илҳом КАРОМ

СУЛУВ — ОЛМАДАЙИН ОҚАДИ СУВДА...

СЕВГИ

Севги, кўнглингизни этинг хотиржам,
Топиб тутганим бор — бармоғингиздан.
Севги, севиб қолдим, Сизни чиндан ҳам,
Севги, ширин хотира қолади Сиздан...

Севги, ўтиб кетган йиллар ичида —
Юрагимни кўрдим гуллар ичида.
Кўзим ойинаси, киприк учида —
Севги, ширин хотира қолади Сиздан.

Эслайсизми, кеча нималар девдим,
Сизгача қанчалаб қизларни севдим.
Севги, томиримда оқдингиз, сездим,
Севги, ширин хотира қолади Сиздан.

Букун бўйлатингиз намхуш ялпизни,
Тўғриси, қарзим бор, баҳордан, куздан.
Севги, эрта мени унутасизми?..
Севги, ширин хотира қоларми Сиздан?

Севги, етмаганим кўпроқ қолади,
Кўнглимнинг бурчида ямоқ қолади.
Биздан қолса — сиқим тупроқ қолади,
Севги, ширин хотира қоларми Сиздан?..

ХАЁЛ

Қуёш нурларига илинган хаёл,
Бағри дилим бўлиб тилинган хаёл.
Юрак каби ёниб кетмаса эдинг,
Қуёш нурларига илинган хаёл.

Сенга арзигулик макон топмадим,
Имконим борича имкон топмадим.
Кўк бўлиб бошимга етмаса эдинг,
Қуёш нурларига илинган хаёл.

Бир вақт вужудимда япроқ безардинг,
Севишим сезардинг, тинчим бузардинг.
Энди хазонбоғдек титмаса эдинг,
Қуёш нурларига илинган хаёл.

Баъзан отамдайсан, баъзан ўғлимга...
Кўнглимга қарайсан, эрка кўнглимга.
Кўксимга шафақдек ботмаса эдинг,
Қуёш нурларига илинган хаёл.

Қуёш нурларига илинган хаёл,
Ёду хотирамдан юлинган хаёл!..

* * *

Кўнгил — ялпиз, бир даста райҳон,
Кўзимдаги... дарё-дарё Нил.
Ёруғ манзилимиз қай томон,
Қайга бизни бошлаб кетди дил...

Бир кечада остину устун,
Не бир ҳислар кўтармади бош.

Мени билмас, хушламас, рости —
На бегона, на бир қариндош!..

Майли-да, билмаса, нима гап,
Ерга ботиб кетмайди-ку Ой!
Кўнгил, кел ёнимга эркалаб,
Пешонангдан бир ўпиб қўяй...

* * *

Сулув — олмадайин оқади сувда,
Қумлар яшинади тирноқларида.
Туғёндан туғилган асов дарёнинг,
Тошлари урилар оёқларига.
Бу дарё ҳаяжон ичрадир, қувдир,
Тўлқинлар кўкрагин кўтариб кетди.
Сулув вужудида обкетди сувни,
Ҳандалак исини сувлар обкетди...

Азизиддин Насафий

Кўнглимнинг кулбасида шам кўрмадим,
Ўздан ўзга каттароқ ғам кўрмадим.

Нозик-гул юзин юварға нозбўйнинг
Яфроғида тоза шабнам кўрмадим.

Зулфини тупроққа қорди зулмонлар,
Зулми зўрлар кўзида нам кўрмадим.

Ки, гуноҳдин ранж чекмас гумроҳлар,
Ҳам тазарру, бошини хам кўрмадим.

Юзда шодмон, ботинида қайғу мўл,
Йўқсила чиндан-да байрам кўрмадим.

Ҳар не кўрдим, бу ёруғ дунёда, лек
Ўзимдан ёмонроқ одам кўрмадим.

ДЎСТИМ ХОТИРАСИ

Адабиёт илмининг ҳалол заҳматкаши, мунаққид олим, таржимон, жаҳон адабиётининг куюнчак тарғиботчиси, умрини маърифатга бағишлаган устоз, соддадил ва самимий инсон Раҳматулла Иноғомов билан куни кеча видолашдик. Суҳбатларнинг гули бўлган, бир сўзлаб ўн кулиб, барчани яйратиб юрадиган, кўнгли тўла, кўзи тўла меҳр бўлган азиз дўстимиз орамиздан кетди.

Раҳматулла билан биз талабаликдан қадрдон эдик. Қадрдонлик йиллар оша сирдош дўстликка, қариндошликка айланди.

Бизни бирлаштирувчи қувончимиз ва дардимиз адабиёт эди, дафъи хуморимиз шахмат эди. Бу кўҳна ва донишманд ўйиннинг у каби шайдосини кўрмаганман, кўрмасман ҳам. "Менинг исмим Раҳматулла эмас, Даҳшатулла", дея лутф билан дўстларга шавқу завқ ҳадя этар эди. Саид Аҳмадга кексаликда асодек суянчиқ, Озод Шарафиддиновга бетоблиқда жигардек малҳам Раҳматулла эди. Бугун уларнинг ҳам хонадонлари ҳувиллаб қолгандай...

Дўстнинг ўлимига кўникиш қийин бўлар экан. Ногаҳон уйимнинг эшиги очилса, Раҳматулла кириб келаётгандай, телефон жарангласа, гўшакдан унинг овози эшитилаётгандай...

Раҳматулла Иноғомовдан илмий ва ижодий меҳнат самараси бўлган талай китоблар қолди, солиҳ ва солиҳа фарзандлар, набиралар қолди. Энг муҳими, одамлар қалбида у ёркин ва ўчмас хотира қолдирди. Алвидо, охиратинг обод бўлсин, азиз дўстим.

Эркин ВОҲИДОВ

Ёднома

УСТОЗ ЁДИ

Домла ҳар доимгидек тетик, бардам ва қувноқ эдилар. Қўл олиб кўришдик, сўрашдик, у ёқбу ёқдан гаплашдик. У киши ўзларининг Эркин Воҳидов ҳақидаги китобларини менга бермоқчи, ҳар кўришганимизда, албатта, сизга етказаман, дер эдилар. Мен домлага айтмасдан шу китоб ҳақида ёзишни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Негаки, ҳеч ким Эркин Воҳидовни Раҳматулла Иноғомовчалик ичдан билмаслигини билар эдим.

Ўтган асрнинг 60-йиллари сўнгида ТошДУ, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети талабалари домла Раҳматулла Иноғомовнинг «Адабиётшуносликка кириш» фани бўйича маърузаларини тинглаганмиз. Домла адабиётшуносликнинг фанний тушунчалари ҳақида шошилмай, донадона қилиб сўзлардилар. Айтилган ҳар бир сўз ва фикр талаба онгидаги ўрни бўш катакларни батартиб тўлдириб борарди гўё. Айрим ўқитувчилар аудиторияга шиддатли сўз оқими билан ташланиб, бу ҳам етмагандай, буни битта қолдирмай ёзиб боришни талаб қилардилар. Ёзмаган ёки ёзиб улгурмаган талаба аччиқ танбеҳ ҳам эшитарди. Бечора талаба ёзиб улгурсинми ёки айтилган фикрнинг (бунда фикр бор бўлса, албатта) мағзини чақиб, ҳазм этсинми? Бундайлар фикрсизликни ошириш учун шундай усул қўллайдилар, шекилли.

Домла Иноғомов бунинг тамом акси эди. У киши ҳеч муболағасиз моҳир маърузачи, тажрибали педагог эдилар. Домла дарсга маъруза матни билан кирмас, унинг ўрнини кафтда кўринмай кетадиган қоғоз парчалари босар эди. Мавзунинг муайян қисмини тушунтириб бўлгач, унинг асос мағзини қисқа қилиб ёздириб қўярдилар. Кейинчалик, имтиҳонга тайёрланиш жараёнида бу ёзувлар ўқилганда дарсда айтилган барча фикр-мулоҳазалар талаба онгида қайта жонланар, ҳатто бошқа дарсликлардан фойдаланмай туриб ҳам бадиий адабиёт ҳақида, унинг мураккаб қонуниятлари борасида жонли тасаввур ва ички илмга эга бўлиш мумкин эди.

Адабиётшунос Раҳматулла Иноғомов ўзидан анча мерос қолдирди. У киши жаҳон халқларининг бадиий даҳолари меросини ўзбек халқига етказишда, улар ҳақида, уларнинг теран маъноли асарларини оммабоп қилиб тушунтириш бобида самарали қалам тебратдилар. Бу халқимиз маънавиятини бойитишда, маданий савиясини юксалтиришда катта иш эканлиги кундек равшан.

Лекин Раҳматулла Иноғомов ҳақида нашр этилган китоблари, босилган мақолалари бўйича фикр юритадиган бўлсак, ушбу олим ва инсон ҳақидаги тасаввуримиз тўлиқ бўлмайди. Менинг қатъий ишонишимча, Раҳматулла Иноғомов ёзганлари, аниқроғи, чоп этилган асарлари тасаввур берганидан кўра каттароқ олим эди. Балки келажакда домланинг фарзанд ва шогирдлари ул зотнинг столда қолган меросини нашр этишар, шунда бу фикр ўз ашёвий тасдиғини топар. Лекин ҳозир ҳам домланинг дўст-улфатлари, у кишининг суҳбатидан баҳраманд бўлган ҳар бир киши ушбу фикрни тасдиқ этиши шубҳасиз.

Бундан икки йилча бурун Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Маданият институтида учрашув бўлди. Тадбирда кўп олимлар қатнашишди, мазмундор, қизиқарли чиқишлар қилишди. Лекин Раҳматулла Иноғомовнинг чиқиши, домланинг севимли ибораси билан айтадиган бўлсак, қолган ҳамма маърузачиларни мот қилди. Талабалар, барча адабиёт ихлосмандлари билан лиқ тўла зал икки-уч бора қарсакдан ларзага келди. Бу чиқишда мени қойил қилган нарса домла Раҳматулла Иноғомов табиатан файласуф, чуқур тафаккур эгаси бўлган олим эканлиги бўлди. Мен домлани қайтадан кашф этдим ва бир нарсадан аламим ҳам келди.

Тадбир тугагач, домлани табрикладим, юқоридаги гапларни айтдим. Яхши қилган эканман, устозга бошқа лутф қилиш насиб этмади. Аламимни ҳам айтдим. «Домла, бирга ишлаган, ҳозир ҳам ёнма-ён юрган талай сафдошларингиздан анча устунсиз. Нега шу устунликни, билкувва кучни намойиш этмадингиз?» Домла жавоб ўрнига ҳазин жилмайиб қўйдилар.

Аввалроқ ЎзМУда бўладиган тадбирлардан бирида учрашганимизда, университет орқасида жойлашган чойхона ҳақида сўрадим. Чойхона домланинг бир гуруҳ ҳамишалик улфатлари билан шахмат жанглари ўтадиган маскан эди.

— Аллақачон бузилиб кетган.

Бироз сукутдан сўнг дедилар:

— Ўша чойхонада қирқ йиллик умрим қолиб кетган.

Бу оғир гап бўлиб, ундан сўнг энг маъқули сукут. Лекин шунда хаёлимдан овунч бир фикр ҳам ўтди. Серсув ва хом-хатала гапларни қаторлаштириб ёзгандан кўра, Раҳматулла Иноғомов каби аҳён-аҳёнда ёзиш, лекин билиб ёзиш, кам гапириш, лекин топиб гапириш афзал эмасмикан? Тинимсиз гапиргандан кўра, тиниб гапир, дейди-ку донолар ҳам.

Бунинг устига... Бизнинг билимларимиз, хаёлимизда туғилган улуғ фикрлар, балки бу ёлғон дунёдан кўра, у, чин дунёда кўпроқ асқотар. Акс ҳолда ҳазрат Пайғамбаримиз «Бешикдан то қабргача илм изла» демаган бўлар эдилар.

Шундай экан, Домла, сизнинг теран фикрларингиз биз тириклар билмайдиган, лекин барчамиз муқаррар борадиган оламда Сизга қанот бахш этсин, охиратингиз обод бўлсин, деймиз.

Сувон МЕЛИ

Газетанинг 2004 йил 27 август сонидаги «Китоб? Китоб... Китоб! Китоб ўқимайдиганларга фойдаси йўқ пандлар» сарлавҳали мақола диққатимни тортди. Мақолада таниқли ижодкор Абдулла Аъзамовнинг бугунги кунда муаммога айланиб бораётган китоб ўқиш борасидаги қимматли мулоҳазалари жой олган.

Акс-садо

МУТОЛААДАН КЕЙИН ГАПЛАШАМИЗ

«Китоб ўқиш бой қиладими? — моддий маънода бойишга кафолат бермайди, албатта. Лекин китоб ўқимаслик маънавий қашшоқ қилиши тайин», деб ёзади муаллиф.

Бозорларда, кўча-кўйда савдо қилаётганларнинг аксарияти ёшлар. Бу муаммога ота-оналарнинг жиддий кўз билан қарамаётганлиги ачинарли ҳол. Улар ёшликда олинган билимнинг беқиёс аҳамиятини ва бу нафақат фарзандларнинг келажаги учун, балки ўзларининг эртанги кунлари учун ҳам муҳимлигини ёддан чиқармасалар яхши бўларди. Зеро, маънавиятсизлик эртами-кечми, кишини разолатга етаклайди.

«Сўз — тан, жони — маъно. Маъно чуқур ёки саёз бўлиши мумкин. Бу белги суҳбатдош нутқида дарҳол сезилади. Оз ўқиганнинг нутқида сўз кўп, маъно саёз, гап кўп — фикр енгил». Бу жумлани ўқигач, шундай тўхтамга келдим. Мен дўстим билан ўзаро суҳбат чоғида ишлатаётган ноадабий сўзлар, жузъий камчиликлар биргина тингловчининг — дўстимнинггина энсасини қотириши мумкин. Бироқ бундай хатоларнинг оммавий ахборот воситаларида такрорланиб туришини қандай тушуниш мумкин? Кўнгилни хушлаш мақсадида фаолият юритаётган айрим радиоканалларнинг баъзи бир бошловчилари тайёрлаётган эшиттиришлар, афсуски, юқоридаги фикрни исботлаб турибди. Дарҳақиқат, мақола муаллифи айтганидек, онг — туғма қобилият эмас, тарбия билан шаклланади, китобсиз тарбияланган онг ибтидоий даражада қолиб кетади.

Китоб ўқиш афзалликларини таъкидлаш билан бир қаторда, китоб ўқиш имкониятларининг қай даражада эканлигини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Республикамизнинг кўпгина туман ва қишлоқларидаги кутубхоналарни китобхон талабларига жавоб берадиган даражада таъминлаш ва жиҳозлаш муаммоларига ечим топилса, мутолаа маданияти шакллантирилса айни муддао бўлур эди.

Мақоладаги бир савол эътиборимни тортди. Бугун информация оқимининг замонавий воситалари, завқ олишнинг замонавий турлари кўп. Шундай замонда китоб ўқиш шартми?.. Муаллиф айтганидек, шарт! Шундай бадиий асарлар борки, уни ўқий бошлашингиз биланоқ асар қаҳрамонининг руҳий оламига кириб қолиш билан бирга, бевосита воқеаларда иштирок эта бошлайсиз, қаҳрамонлар билан бирга нафас оласиз, яшайсиз. Энг муҳими, ҳаётнинг фақатгина оқ ва қора бўёқлардан иборат эмас, балки сиз учун номаълум бўлган бошқа ранглари ҳам борлигини англай бошлайсиз.

Бугун кўпчилик ёшларимизнинг эътиборини тортаётган Интернет тармоғидаги айрим веб-сайтлар тарқатаётган хабарларнинг саксон фоизи асоссизлиги ёки порнографик суратларнинг кони ҳам аслида шу Интернет эканлиги кўпчиликка сир эмас. Лекин бу Интернетнинг ижобий жиҳатлари йўқ, деган маънони англатмайди. Гап Интернетдан қай мақсадда фойдаланишни билишда. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бундай «зиёратгоҳ»лар кейинги пайтларда мактаб ўқувчиларининг дарсдан қочишига ёки умуман дарсга келмасликларига «омил» бўлаётир.

Келинг, ёлғон-яшиқ уйдирмалар ҳамда қайтарилавериб сийқаси чиқиб кетган сканвордлардан иборат «майда» газеталардан, компьютер ва телевизордан бир муддат воз кечайлик, китоб мутолаасига киришайлик. Қолган гапларни, мутолаага халақит бермаслиги учун, тўхтатиб турамиз.

Абдувоҳид ЎНАРОВ,
Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетининг 1-босқич талабаси

Доимий ҳамроҳ

ПЎЛАТ МЎМИННИНГ ИККИ КИТОБИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пўлат Мўминнинг китоблари кириб бормаган хонадон, шеър ва қўшиқларини ўқиб, эшитмаган ўзбек бўлмаса керак.

Бу йил ҳам Пўлат Мўминнинг икки китоби дунё юзини кўрди. Биринчиси, болаларимиз учун мўлжалланган шеърлар, эртаклар ва топишмоқлардан иборат. Китоб лотин алифбосида «Чўлпон» нашриёти томонидан 10 минг нусхада чоп этилди. Ушбу «Болажон, болажоним» тўплами янги алифбода савод чиқарган севимли фарзандларимиз учун яхши туҳфадир. Марҳум шоиримиз қарийб олтмиш йиллик ижодини ёш авлоднинг маънавий бойиши, тўғри тарбияланиши учун бағишлади. Бу китобдаги асарлар ҳам янги ўсиб келаётган фарзандларимизга ана шундай ижобий таъсирлар ўтказади, деган умидимиз бор.

Шоирнинг «Бағишловлар — олқишловлар» деб номланган иккинчи китоби академик Сойибжон Неъматов раислик қилаётган «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплекси ҳомийлигида нашр этилди. Нашрга Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзбоши ёзган. Бу тўплам янги давр ўзбек адабиёти тарихида қайсидир маънода янгилик бўлиб, унга Ватанимизнинг етук олимларига, истеъдодли адибу шоирларига, машҳур санъаткорлар ва дўст-улфатларга атаб ёзилган самимий назмий бағишловлар — олқишловлар киритилган. Китобда, масалан, алломалар — Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Яҳё Ғулом, Содиқ Азимов, Ёлқин Тўрақулов, Ҳосил Фозилов, Наби Мажидов, Сойибжон Неъматовларга, сўз мулки эгалари — Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Иззат Султон, Миртемир, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳаким Назир, Қуддус Муҳаммадийларга, санъаткорлар — Шукур Бурҳонов, Лутфихон ая, Ҳалима Носирова, Фахриддин Умаров, Муҳаммаджон Каримов, Орифхон Ҳотамовлар ва шоирнинг энг эъзозли улфатларига битилган шеърлар мавжуд. Афсуски, бу ерда барчани номма-ном айтиб чиқолмаймиз.



Китобда устоз адиблар билан кечган ибратли воқеалар, қисқа-қисқа тарихий ҳикоялар ҳам мавжуд.

«Бу китоб — ғоят ноёб нашрдир, — дейди академик С.Неъматов, — чунки бир томондан, халқимизнинг кейинги даврда яшаб, катта ишларни амалга оширган, ҳаётимизга ижобий таъсир ўтказа олган кишиларининг хислатлари баён этилгани бўлса; иккинчидан, жуда оз миқдорда — 200 нусхада чиқарилди. Шунинг учун тўплам менга ҳам, Пўлат Мўмин хонадонига ҳам ардоқлидир».

* * *

Ҳозирги замонда бутун дунёда чоп этиладиган бадиий адабиётнинг етмиш фоизи детектив ва криминал йўналишидаги асарлардир. Ўзбек адабиётида эса бу жанр етарли даражада тараққий топмаган. Лекин кейинги йиллари бу йўналишда муайян ижодий силжишлар кўзга ташланмоқда. Авваллари, асосан, фантастика соҳасида қалам тебратган олим ва ёзувчи Озод Мўминнинг «Сардор «Бешагачский» — тоза ўғри» («Адолат», 2004) қиссаси қандайдир маънода шу камчиликни тўлдиришга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, бу асарда илгариги замонларда талаб қилинган, социалистик реализм қоидаларига мос келувчи ижобий қаҳрамонлар йўқ. Асосий персонажларнинг барчаси жиноятчилар оламига тегишли. Ҳар бир персонаж ўзининг фойдасидан келиб чиққан ҳолда ва шайтон унинг дилига қанчалик ўрнашиб олганлигига қараб ҳаракат қилади.

Қисса сарлавҳасидаги «тоза ўғри» ибораси сизга эриш туюлмасин. Бу ифода криминал оламда кенг ишлатилади ва ўғриларнинг ички қонунларини бузмайдиган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Тўпламга муаллифнинг «Ўзбек зиёлиси» воқеий ҳикояси ва «Сирли мулоқот» фантастик асари ҳам киритилган.

Муҳаррир — Бахтиёр Эргашев, рассом — Рустам Зуфаров. Адади 2000 нусха.

«САОДАТ» ЗИЁСИ СИЗГА

Инсон қалбида ҳамиша ўқиш, ўрганишга эҳтиёж бўлади. Ва у нечоғлик куч-қудратли бўлмасин, дилида ҳар доим яхши, холис, ишончли дўстга эҳтиёж сезади. Шундай бир лаҳзалар бўладики, унга маслаҳатгўй керак бўлади. Маърифий-адабий нашрлар ҳам шундай вазифаларни адо этади. «Саодат» бир неча авлод аёлларига оналик илми, оила маърифатидан сабоқ бериб келади. Миллатимизнинг энг яхши анъаналарини сақлаган ҳолда, ҳар даврнинг маънавий зийнатлари билан саҳифаларини бойитиб боради. Журналимизнинг 2004 йилда кетма-кет чоп этилган 6-7-8 сонларида бугунги аёлнинг ташвиш-қувончлари, муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган.

Аёл ижтимоий фаоллашди, дегани оилага Ватан руҳи, миллат ташвишлари кириб келди, дегани. Оила аъзолари фуқаро сифатида уйғонди, дегани. «Аёл ва сиёсат» рукнида мунтазам чоп этилаётган мақолалар хотин-қизлар етакчилари курашаётган улуғ мақсадлар ҳақида ҳикоя қилади.

Биз ҳамиша қачонлардир ўзимизга елка тутган, бизни устоз бўлиб суяган инсонларни эҳтиром билан эслаймиз. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Зулфияхоним меҳригиёси» мақоласи ана шу эҳтиром суврати бўлса, тарих фанлари номзоди Қаҳрамон Ражабовнинг «Мард қолар майдон ичинда» мақоласи эрк учун курашган аёлларимиз ҳақида. «Оналигинг унутма, Аёл», «Ўртанган кўнгил ўртанса қўймас», «Аср вабоси» каби мақолаларда ёшларимиз, қизларимиз ёшлигига завол бўлаётган, миллат наслига зарар етказаётган гиёҳвандлик, СПИД каби кушандаларга берилиш сабаблари, касалликнинг намоён бўлиш белгилари, олдини олиш каби зарурдан зарур жараёнлар ҳақида таниқли ҳуқуқшунослар, шифокорлар илмий, теран мулоҳазаларини баён этадилар.

Адиба Шаҳодат Исахонованинг «Дарз», Зулфия Қуролбой қизининг «Олтин васвасаси», Меҳринисонинг «Кўзгу олдида» ҳикояларининг бош қаҳрамонлари ҳам замондошларимиз. Ўзини излаётган, оиласи, бахтини асрашга интилаётган аёллар. Бадиий жиҳатдан пишиқ, мавзуи қалбга яқин бу ҳикоялар ҳам, Ростонбуви имзоси билан чоп этилган «Хатодан хато туғилар», «Сўнгги томчи», «Энди сендек жонон қайдадир», «Сенга инсоф берсин» каби мақолалар ҳам мухлисларимизни фикрлашга, ўзи ва ўзгалар тақдири ҳақида ўйлашга чорлайди.

Журналимиз иловаси «Гулчеҳралар» газетаси ҳам ўз рукнлари билан «Саодат» мавзуларини тўлдиради. Газетамиз қаҳрамонлари — кўпроқ ёшлар.

«Саодат» ва «Гулчеҳралар»ни ўқисангиз, ўзингиз орзулаган дунёга яқинроқ келасиз. Ахир, у дилдош, дилбар мавзулари билан Сизники!
«Саодат» индекси — 867
Бир йилда 8 та сон чоп этилади.
Битта сони — 400 сўм.
«Гулчеҳралар» индекси — 618
Бир йилда 12 та сон чоп этилади.
Битта сони — 100 сўм.
Бу нархларга почта ва йўл харажатлари кирмайди.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

ЗОҲИРИЙ ФАҚР, БОТИНИЙ ҚУДРАТ

Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳазратларининг қаламига мансуб «Ашъори форсий» манзумалар туркуми муборак анъаналар асосида битилган, моҳиятан тасаввуфий шеъриятнинг улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оҳангларда ижод этилгандир:

Ё раб, сенинг туфайлидир мартаба,
ашқу оҳимиз,
Сен айбимизни айла авф,
кечир бизим гуноҳимиз.

Шоирнинг «Таъвиз-ул-ошиқин» девонининг таркибий жузви бўлмиш «Ашъори форсий» туркумининг дастлабки ғазали мана шундай матлаъ билан бошланади. Ушбу мисралардан аён бўладики, шоир қаламга олган мавзуларнинг мавзуи, инсонни камолотга сазовор қиладиган фазилатларнинг манбаи, унга барча неъматларни турли воситалар орқали тухфа этгувчи Аллоҳдир. Модомики, бизнинг бир-биримизга қилган эзгуликларимизни юзимизга солиб, таъна қилишга ҳақимиз йўқ, билъакс, бу эзгуликларга бизни сазовор этишга воситачи қилиб танлаганлиги учун, аввало, Аллоҳдан, қолаверса, бир-бирларимиздан миннатдор бўлмоғимиз, миннатдорлигимизнинг мантиқий натижаси ўлароқ, шукроналик тарзида, мазкур яхшиликларимизни яна ҳам зиёда қилиб ҳамда мустаҳкамлаб бормоғимиз керак бўлади.

Огаҳийнинг талқинича, бундан бошқа йўл таназзулга маҳкумдир, гумроҳликка элтгувчидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир одам фақат мана шу йўлни изламоғи, мана шу йўлдан юрмоғи керакдир.

Саргаштамиз биз бир умр
айрилиғингда дашт аро,
Қил илтифот, қўйинга элтсин
бизи рост роҳимиз.

Юқоридаги мисралардан тағин аён бўладики, бу «рост роҳ»га, яъни тўғри йўлга мушарраф бўлишнинг бирдан-бир иложи — тинимсиз риёзатдир. Модомики, шоир «Саргаштадирмиз бир умр айрилиғингда» деб ёзаётган экан, демак, бу тўғри йўлга мутлақ тушиб олиш ниҳоятда мушкул, шунингдек, лозим бўлган фазилатларнинг фазилатидир. Шоир фикрича, бу мувaффақиятга бир умр тўғри изланиш туфайлигина эришилади.

Навбатдаги байт ҳам маърифатга, яъни илоҳий ёғдуни кўнгил кўзи билан илғаш туфайли эришиладиган маънавий жамолга бағишлангандир:

Ғам тунида қолиб кетурмиз,
оҳ, биз саҳарсифат,
Қоронғудан фориғ этиб, ёрут,
ки, субҳгоҳимиз.

Маърифатталаб ҳар бир инсон учун энг қўрқинчли ҳол бу — жаҳолат зулматига тутқун бўлиб қолишдир. Шунинг учун ҳам, ушбу байтда лирик қаҳрамон Аллоҳдан ёруғлик илтижо қилади. Бу байтда қоронғиликдан озурдалик билан ёруғлик умиди бир-бирига уйғун бўлиб кетганки, Огаҳий бобомизнинг мана шу зиддиятли ҳолатни ифода этиши ўқувчида ҳамфикрлик кайфиятини уйғотади. Негаки, ҳар бир одамнинг ҳаётида ҳам сурур ва ғам, умид ва умидсизлик туйғулари аксар ёнма-ён келади ва ҳар бир одам ўз ишончу эътиқодига муносиб равишда салбий ҳолатлардан халос бўлиб, ютуқларга восил бўлмоқ умидида яшайди.

Инсонда андуҳларни бартараф қилиш ниятида чекилган машаққатлар туфайли шодликларга эришув умиди устувор бўлмоғи, ғамни шодликка айлантириш йўлида у қаттиқ курашлар олиб бормоғи ва ғалабага эришмоғи жоиз.

Қақраса жисму жонимиз гоҳ оҳ
самуми бирлаким,
Илиқ булутларинг билан кўкарт
бизим гиёҳимиз.

Мана шу байт юқоридаги фикримизга далилдир. Бу далолат, умуман, Огаҳий шеъриятининг оптимистик йўналишини белгилайдиган фазилатлардандир. Шуниси эътиборга моликки, бордию Огаҳий лирик қаҳрамонининг, ғазалда таъкидланганидек, «Гоҳ оҳ самуми бирла жисму жони қақраб», «Илиқ булутлари ила гиёҳи кўкармаган» тақдирда ҳам, Яратганга ношукр бўлишга ҳақи йўқ. Бордию яратганнинг раво кўрган жабри билан унга бу жаҳон тор келган тақдирда ҳам, унинг лутфи туфайли у иноятдан умидвор бўлавермоғи лозим. Бундай тақдирда, шоирнинг таъкидлашича, банда:

Бош олибон чарх жавридан қочиб
чиқиб кетар эсак,
Қўланканг, оҳ, бўлур бизим
бошимиза паноҳимиз —

деб шукр қилмоғи лозим. Чунки Ҳақнинг иноятлари, ғазалда таъкидланаётганидек, самонинг чексизлиги янглиғ беҳудуддир.

Муҳаммад Ризо Огаҳий инсон ҳаётда йўл қўйиши мумкин бўлган нуқсонлардан фориғ бўлишнинг имконини ибодатда кўради. У ёзади:

Йўлингга бошимиз қўйиб,
сажда қилиш билан санго,
Шоистаи сужудинг, о,
бўлсак эди, илоҳимиз.

Мисралардан англашилаётганидек, гап фақат саждада эмас, балки «Шоистаи сужуд»да, яъни саждага ноил бўла билишда ҳамдир. Шоирнинг уқтиришича, саждага етиб боргунча мавжуд йўлни босиб ўтиш ҳам инсондан ўзига яраша фазилатларни талаб қилади.

Шу ўринда ҳадиси шарифлардан битгаси ёдга тушади. Бир куни Аллоҳ Расули Муҳаммад (с.а.в.) айтган эканларки, «Яхши амалларингиз бўлмаса, фақатгина ибодатларингиз билан жаннатга кира олмайсизлар!», «Сиз ҳамми, ё Расулуллоҳ?» деб сўрашибди ундан. «Ҳа, мен ҳам!» жавоб берибди Муҳаммад (с.а.в.). Албатта, бу ҳадиси шариф ибодатнинг аҳамиятини пасайтирмайди, балки яхши амалларнинг нақадар муборак эканлигини таъкидлайди. Демак, илоҳий амаллар дунёвий амаллар билан мустаҳкамланган-дагина савобли самаралар беради. Шунинг учун ҳам:

Ҳам бошимиз билан юриб, йўлингга
тушсак эрди бир,
Самодан ҳам баланд бўлур эди
бизим кулоҳимиз.

Маълумки, «ҳам бош» ва дарвешлик кулоҳи Ҳақ субҳонаҳу ва таолога эътиқод туфайли эришиладиган фақрлик даражаси. Бироқ бу маснаднинг, шоир талқинича, «самодан ҳам баланд бўлиши» алоҳида диққатга сазовордир.

Қуллигимиз қабул эса гар
эшигингда ногаҳон,
Қайдаки бахт, баридан ҳам баланд
бўлурди жоҳимиз.

Огаҳий ҳазратлари қуллик тузуми мавжуд бўлган замонда яшади. Гарчи бу даврда жамият қулликни ҳали очиқдан-очиқ инкор қилишгача етиб келмаган бўлса-да, халқ ўртасида бу мудҳиш иллатдан қутулиш ҳақидаги фикрлар очиқ-ойдин тилга олинаётган, ҳатто одамлардаги бу табиий истакни баҳона қилиб, бирмунча тараққий топган давлатлар қолоқ мамлакатларга қўшин торта бошлаган вақтлар эди. Огаҳийнинг мазкур байтида ҳам ана шундай заминий исённинг садоларини кўриш мумкин. Яъни Аллоҳга қулликдан бошқа қуллик рағбатлантириладиган жиҳат эмас. Шунинг учун ҳам, инқирозга маҳкумдир. Яна шуниси ҳам борки, бундай руҳий-маънавий машаққатларни бошидан кечирган одамнинг жисмоний жиҳатдан ҳам дардманд бўлиши табиийдир. Огаҳийнинг мисраларига қараганда, ул зоти шариф ҳам («Қарилиғ дардидан афтода бўлган Огаҳингдурман») жисмоний дардлардан озор чекиб яшаган кўринади ва бу ҳолни шоир ўзининг маънавий риёзатлари билан боғлайди:

Огаҳийдек ғаминг аро бўлибмиз
ожизинг сенинг,
Эгик қаду сариқ юзи эрур
бунга гувоҳимиз.

Шарқ донишмандларидан бири айтганидек, икки дунё, аслида, бир ўрилган кокил янглиғ чамбарчасдир. Айтмоқчимизки, шеъриятимиздаги, хусусан, тасаввуф шеъриятидаги «дудамалик», қўштирлликнинг мутлақо мантиқий асослари бор. Бу, бир жиҳатдан, инсонни ўлимдан кейинги иккинчи ҳаётга тайёрлаб, хотиржам этса, иккинчи тарафдан, жаҳоннинг муамоларини ҳам ана шу аснода бартараф қилишни ўргатадики, бу сабоқ унга ҳар қандай вазиятда ҳам асқотиб туради. Шуниси ҳам муҳимдирки, шоирларимиз ўзларининг қамровли, кўламдор манзумаларида инсон руҳий ҳамда моддий ҳаётининг турли жиҳатларини олиб, поэтик таҳлилдан ўтказганлар, ўқувчини ҳаётнинг ниҳоятда кенг салтанатига турли эшиклардан олиб кириб, мазкур шукуҳли мулкнинг бор мураккаблигини унинг кўз олдида намоён қилганлар, уни ҳаётга қомусий бир тарзда тайёрлаганлар. Буни улар, албатта, эпик жанрлардагига қараганда тафовутли бир тарзда, шеъриятнинг ўзига хос бадиий имкониятлари даражасидан келиб чиқиб амалга оширганлар.

Чунончи, юқоридаги ғазал таҳлилида Огаҳийнинг оддий инсонни тавба-тазарру, маънавий риёзат, ҳаётнинг турли жиҳатларидан келиб чиқиб, яшаш жараёнида орттирилган руҳий ғуборлардан илоҳий кайфият ёрдамида, маърифат оҳангларида тарбиялаганини кўрсак, навбатдаги ғазалида бу тарбиянинг ўзгача бир жиҳатини кузатамиз.

Бу оҳангда қалам сурар экан, Огаҳий ҳазратлари энди бир мунча, яхши маънода, «осмондан келиб» ижод этади. Одамни дабдабали иллатлардан фориғ қилиш учун, заҳарни заҳар кесади деганларидек, дабдабали оҳангларда наволар қилади:

Ки эй, сендан бўлиб пурзеб кулоҳ,
иқболу давлатлар,
Куйингга бош қўйиб топди неча
Хисравлар иззатлар.

Бу мисралар бевосита илоҳий бир жамолга қаратилган хитоб бўлса ҳамки, шубҳасиз, у билвосита инсоннинг идрокига таъсир қилиш мақсадида битилган байтдир. Огаҳий бу байтда, хусусан, ўз даврининг хисравларига мунтазам бир шукроналик ҳамда огоҳлик билан ҳаёт кечиришлари лозимлигини уқтиради.

Фалак юксаклигидан,
офтоб ўз нуридан ҳайрон,
Қўйиб остонанга юз,
топдилар меърожи рифъатлар.

Аллоҳ даргоҳи шу қадар кенгки, унинг остонасига нафақат офтоб, балки фалакнинг ўзи бош қўяди. Юксак даража топади. Бу — буюкликнинг чинакам ўлчови, ҳақиқий мезонидир. Модомики шундай экан, Хисравларнинг керилишига ўрин қолмаслиги керак. Улар Аллоҳнинг бир меъёрда ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун яратилган бандаларидирлар.

Бўлиб офтоб тожингга гуҳар,
тахтингга Зуҳро дур,
Бўлиб шоҳлар қулинг,
орзу қилар қилмоқни хизматлар.

Биз товуш тезлиги деймиз, нур тезлиги деймиз. Товуш тезлиги фалакдаги майда бир жисмларнинг бир-бирларига тўқнашувидан ҳосил бўладиган саслар суръати. Нур тезлиги бўлса фалакнинг бағрида, измида бўлмиш жисмлардан чиқаётган ёруғликнинг тарқалиш тезлиги. Бу тезликларнинг барчаси фалакнинг ўзи кўрсатаётган тезликлар қошида тошбақа одимларидан ҳам саноқсиз карра оҳистароқ бир силжишдир, холос. Фалакни Аллоҳнинг хизматига шундай тезликлар билан шошилар экан, бандаларининг ҳам бир-бирларининг хизматларига нақадар камарбаста бўлишлари лозимлигини англаб олиш қийин эмас. Негаки, инсоннинг инсонга хизмати инсоннинг Яратганга хизмати ҳамдир. Аллоҳ илтифоти умид қилинади, талаб қилинмайди. Бу ҳақиқатни биз қуйидаги байтдан идрок қилишимиз мумкин:

Бўлиб афкандаинг шоҳлар,
кулоҳлар шармисорингдир,
Бўлиб арзандаинг Румо,
Сифоҳон топди шавкатлар.

Топиб лутфингда бахт шоҳлар,
кулоҳлар фурқатинг ичра,
Сенинг ҳукмингга эрку, узлату,
таъқиқу, суннатлар.

Шуниси диққатга сазоворки, Огаҳийнинг лирик қаҳрамони ҳақиқий салтанат эгасининг хизмату мадҳида бўлса ҳам, ўзини ҳали Аллоҳ қўйига бош қўйган имтиёзли одам ўрнида кўрмайди. У ўзини камтарин тутиб, дейди:

Бу музтар охири бир кун қўяр хоки
қўйингга бош,
Дуоингни қилиб ҳаддан фузун,
қутгай ижобатлар.

Бироқ умидини узмайди:

Ки эй хўблар шаҳи,
Огаҳийингни сарфароз айла,
Ғамингдин қолмади жисмингда
онинг шавқу қувватлар.

Аслида, мана шу зоҳирий қувватсизлик — ботиний қудратдир. Эзгуликдан умидворлик ва бу йўлда муттасил саъй-ҳаракатда фаолият кўрсатиш, аён бўладики, Огаҳийнинг ижоддан мақсади, Аллоҳдан умидидир.

Матназар АБДУЛҲАКИМ,
Хоразм Маъмун академиясининг
катта илмий ходими

Огаҳийшунослик

Ёдгорлик

НАВОИЙНИ ЭСЛАМАГАН КУНЛАРИ БЎЛМАСДИ

Машҳур адабиётшунос олим, файласуф ва жамоат арбоби, академик Воҳид Йўлдошевич Зоҳидов ҳаёт бўлганларида ҳозир 90 ёшга кирган бўлардилар. Воҳид Зоҳидовдан бизга катта илмий ва адабий мерос қолган. Бу мерос бугун ҳам ёш авлодни тарбиялаш, илм ва фанни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Устоз 1914 йили Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида оддий деҳқон оиласида туғилган. У мактабни битираётган чоғида оналари вафот этган. Бу йўқотишни у ўзига жуда оғир олган. Оқибатда бир неча йилга юртини тарк этиб, Бокудаги Олий Педагогика институтига бориб ўқиган. Уни 1935 йили битириб, 19 ёшда Самарқанд Давлат университетида фалсафа тарихидан дарс бера бошлаган. Шу вақтда унинг бўйи ўқувчиларининг бўйидан кам фарқ қилар экан.

Бир ерда тўхтаб қолишни истамаган ёш олим 1935 — 1937-йилларда Москвадаги Тарих, адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олиб, 22 ёшида «Мирза Фатали Охундовнинг дунёқараши» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Ҳорикулода истеъдод эгаси деб шундай кишиларни айтишса керак-да!

Шундан кейин олим Тошкентга қайтиб, олий таълим соҳасида дарс берган, Ўзбекистон Фанлар академияси системасида янги мавзуларда илмий тадқиқот ишларини олиб борган. У 1947 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йили ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. Жамоатчилик ҳурматини қозонган устоз Шарқшунослик институти директори, «Шарқ юлдузи» журналида, «Ўзбекистон маданияти» газетасида бош муҳаррир, Тил ва адабиёт институтида мумтоз адабиёт бўлими мудири, Санъатшунослик институтида директор, Ўзбекистон маданият министри лавозимларида хизмат қилар экан, бир нафас ҳам илмий тадқиқот ишларидан узилмаган. Адабиётшунослик, Навоийшунослик йўналишида эса у тинимсиз ишлаб, халқимизнинг илмий хазинасини юзлаб янги тадқиқотлар билан бойитди.

Мен 1944 — 1949-йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг Шарқ факултетида таҳсил олар эканман, ўқишнинг охирги йилларида жамоатчи, ҳамсабоқ дўстимиз, бўлажак катта адабиётшунос ва шарқшунос олим Азиз Қаюмов ташаббуси билан Ойбек, Ғафур Ғулом, Абулқосим Лоҳутий, Юнус Ражабий, Мақсуд Шайхзода каби фан, адабиёт ва санъат арбоблари иштирокида ғоят қизиқарли учрашувлар бўлар эди. Улар орасида, айниқса, энди ўттиз тўрт-ўттиз бешни қоралаган Воҳид Зоҳидов билан бўлган учрашувлар худди шу бугунгидай ҳамон ёдимда.

Бу учрашув баҳор кунларининг бирида, университетнинг кичик мажлислар залида бўлган эди. Кайфиятимиз чоғ. Домла ҳам бежирим кийинган, залга ним табассум билан кириб келдилар. Биз уни олқишлар билан кутиб олдик. Юзидан нур сочилиб тургандек эди. Биз ҳаммамиз, йигитлар ҳам, қизлар ҳам, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳавас билан кузатиб турар эдик. Шунда у улуғ шоирнинг фалсафий дунёқараши ҳақида шундай бир маъруза қилдики, барчамиз Навоийни ҳам, унинг асарларини ҳарф-ҳарфигача ўрганган бу маъруза соҳибини ҳам севиб қолдик.

Ўша пайтгача биз, Навоий асарларини яхши кўриб ўқир эдик. Лекин улардаги ҳар бир байтнинг туб маъносини чақишдан узоқ бўлганмиз. Демак, Навоий фақат улуғ сўз санъаткори бўлмасдан, жамият ва табиат, инсон ва шахс, шеърият ва маънавият муаммоларини ҳам бор мураккаблиги билан тушунган ва асарларида буни ўз ўқувчиларига ҳам тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг бой шеърияти ва фалсафий дунёқараши эса изчил инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган экан. Ушбу маъруза ёрдамида биз Навоийни ўзимиз учун янгидан кашф этгандек бўлдик.

Ўшандан бошлаб мен Навоий асарларини илгаригига нисбатан икки ҳисса ортиқ эътибор билан, луғатлар ёрдамида, баъзи жойларини ўзимча кўчирмалар қилиб ўқийдиган бўлдим. Бошқача айтганда, мен оддий навоийхонликдан навоийшуносликка қадам қўя бошлаган эдим.

Шу маъруза охирида Воҳид Йўлдошевич Навоий асарларининг нашрлари ва матншунослик масалаларига ҳам тўхталиб, улуғ шоир асарларининг думини, патини юлиб, қисқартириб, илмий шарҳ ва изоҳларсиз чоп этишни қаттиқ қоралаган эдилар. Шунда бирдан миямга: «Бундай қилиш киши билмас катта сиёсат билан боғлиқ бўлиши мумкин!», деган гап урилган эди.

Шундай бўлиб чиқди ҳам. Ўтмишни ва ўтмиш адабиётини идеаллаштиришга қарши кураш байроғи остида сал ўтмай шунча кўп қарорлар чиқдики, бундан бир қанча илм ва адабиёт аҳлларига катта маънавий зарар етди. Воҳид Зоҳидов ҳам бундан четда қолмади.

Лекин қийинчиликлар билан бўлса ҳам Навоийни ўрганиш давом этди. Мен университетни битиргач, Академиянинг Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтида аспирантурани ўтар эканман, Ойбек домланинг маслаҳати билан «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» мавзуидаги номзодлик диссертацияси устида ишлай бошладим. Ойбек домланинг соғликлари ёмонлашгач, менинг номзодлик диссертациям бўйича ҳам биринчи маслаҳатчим Воҳид Йўлдошевич бўлган эдилар. «Навоийнинг ижодий методи масалалари», «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» номли монографияларим у кишининг таҳрири остида чиққани билан фахрланаман.

60 — 70-йиллар устозимиз илмий ва адабий фаолиятининг энг қайноқ даври бўлди, дейиш мумкин. Ҳар қандай мураккабликларга қарамай, бу даврда у «Ўзбек адабиёти тарихи», «Донолар давраси», «Улуғ шоир ижодининг қалби», «Ҳаётбахш бадиият тароналари», «Огни истории», «Жаҳон бадиияти зарвараклари» каби бир қанча китобларини эълон қилдиларки, уларнинг ҳар бири илмий-маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. «Донолар давраси» китоби эса Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлгани асло тасодифий эмас эди. Навоийни ўрганиш ҳамиша унинг диққат марказида бўлди.

Мен яна шуни яхши биламанки, устоз биз билан бирга бўлганларида хурсандчилик вақтида ҳам, хафачилик чоғларида ҳам Навоийни эсламаган кунлари бўлмасди. Ўзаро суҳбатларда у киши Навоийнинг исмини ёки тахаллусини айтмас, улуғ шоирни ўзларига ниҳоятда яқин олиб, «Пир» дер эдилар. Чунки у киши учун Навоий доим тирикдек, ёнларида тургандек эди.

Аллома устоз ҳаётдан кўз юмганларида 69 ёшда эдилар. Афсусимизнинг чегараси йўқ. Чунки олдинда режалар катта эди. «Ўзбекистонда фалсафий тафаккур тарихи»ни ёзиш, «Навоий қомуси»ни яратиш каби муаммолар турган эди.

Мустақиллик даврида, заҳматкаш олимнинг адабий ва илмий мероси ҳақида ёзган тадқиқотлари янгидан ўз қадрини топмоқда. Орамизда халқимизнинг Форобий, Беруний, Навоий, Бобур каби улуғларига нисбатан юксак эътиқод билан яшовчилар кўпаяверсин!

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ



Машҳур мусаввир Чингиз Аҳмаров истеъдодли шогирди Жавлон Умарбеков билан.

Доимий ҳамроҳ



Буюк шоир Ҳоди Тоқтошнинг "Муҳаббат эски нарса, лекин ҳар бир юрак уни янгилайди", деган машҳур гапи барча авлодлар ҳаётида ўз тасдиғини топиб келаётгани сир эмас. Зотан, бу соҳир туйғу туфайли инсон киндик қони тўкилган ерга сажда қилади, Фарҳод мисоли тоғу тошни кесиб, юртини обод этади...

Эй менинг бағри кенг, парвона элим,
Дунёда тенги йўқ — дурдона элим,
Эрк куйин куйлаган мардона элим,
Нурли қўшиқларинг асло тинмасин,
Ватан омон бўлсин, Ватан гулласин!

Эзгу тилакларга йўғрилган меҳр-муҳаббатини шоир Зикрилла Неъмат ана шундай содда, самимий сатрлар орқали изҳор этади. Унинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти томонидан чоп этилган «Муҳаббатсиз яшаб бўлмас» деб номланган шеърлар тўпламида муқаддас она диёримизни мадҳ этган ашъорлар анчагина. Тўпламдан, шунингдек, ёр васфи, ҳижрон азоблари, эзгулик, инсонийлик, меҳр-оқибат ва садоқат туйғуларини тараннум этган шеърлар ҳам ўрин олган. Зотан, Зикрилла Неъмат шеърлари равонлиги ҳамда халқчиллиги туфайли таниқли санъаткорларимиз томонидан севиб куйланиши сир эмас.

Шоирнинг ғазал жанридаги ўнлаб машқлари, «Ҳамроз биби армони» балладаси, қўплаб туюқлари тўплам мундарижасини бойитган.

«Муҳаббатсиз яшаб бўлмас» тўплами минг нусхада чоп этилган. Нашр учун масъул Қ.Жумаев, муҳаррир Икром Отамурод. Нашрни мусаввир Ҳ.Беҳзод безаган.

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ" ЖУРНАЛИНИНГ 2004 ЙИЛ ОКТЯБР ВА НОЯБР ОЙЛАРИ СОНЛАРИ НАШРДАН ЧИҚДИ

атоқли ёзувчи Мирза Иброҳимовнинг "Гулбатин" қиссасида Эрон Озарбойжони ҳаётидан ҳикоя қилинади. Шунингдек, журналнинг бу сонида сиз Ошиқ Эркин таржимасида Ҳофиз Шерозий рубоийларини, Миразиз Аъзам таржимасида Норвегиянинг ҳозирги замондаги етакчи шоири Улав Хауге ижоди билан танишасиз. Шеърларни туркчадан Шарқшунослик институти тадқиқотчиси Шермурод Субҳон таржима қилган. Таржимоннинг турк постмодерн шеърияти ҳақидаги мақоласи ҳам шу сонда эълон қилинган.

Таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг жаҳон адабиётининг фавқулодда намояндаларидан бири Эдгар По (1809-1849) ҳаётидан олиб ёзилган "Ал-Аъроф" номли икки парда, етти кўринишли трагедияси, журналхонларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Дарҳақиқат, бу машҳур адиб ёшлигида соҳибқирон бобомиз Амир Темур шахси билан жуда қаттиқ қизиққани, "Темурбек" номли достон ёзгани маълум.

Россиялик адиблар В.Песков ва Б.Стрельников қаламига мансуб "Колумбнинг топгани" асарида (Раҳматилла Иноғомов таржимаси) муаллифлар дунё аҳлини атроф-муҳит мусаффолиги учун курашга даъват этишади. "Адабий танқид" рукнида берилган Ю.Каримованинг "Эрк ва бурч диалектикаси" мақоласида Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи ва Пиримқул Қодировнинг "Эрк" қиссаси адабий таъсир нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил этилган. Филология фанлари доктори Нурбой Жабборовнинг "Олмонияда исломшунослик" сарлавҳали тақризида олмон олими Улрих Рудолфнинг "Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳияти" асари ютуғини таъминлаган омиллар ва бу китоб аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Журналнинг ушбу сонида И.Окойи ҳамда У.Коллинз романларининг давомини ўқийсиз.

ШИЖОАТИДАН МАМНУНМАН

Ижс-садо

Кейинги пайтда газетанинг жонлангани ҳаммамизни мамнун қилмоқда. Бу фақатгина менинг фикрим эмас, балки адабий жамоатчилик эътироф этиб турган гап. Айниқса, «Адабий танқид», «Баҳс» рукнларида берилаётган мақолаларда ўткир фикрлар, кескин, аммо зарур, керакли мунозаралар кўрина бошлади. Бу ўтиш даврининг дастлабки йилларида ўртага ташланган «Адабиёт ўладими?» деган саволга унинг ўлмаслигини, янги муҳитда қайтадан парвоз эта бошлашини далиллайдиган муносиб жавобдир.

Бошқа соҳани билмадим-у, лекин адабиётнинг юксалишини баҳсларсиз, мунозараларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, француз адабиёти юксак чўққига кўтарилган даврда яшаган ака-ука Гонкурлар ўз кундаликларида «Ҳар кунги баҳс, ҳар кунги мунозара бизни чинакам асарлар яратишга даъват этарди», дея бежиз таъкидлашмаган.

Мен кейинги пайтда газета саҳифаларида фаол кўрина бошлаган адабиётшунос Эргаш Очилов чиқишларини алоҳида таъкидламоқчиман. Муаллифнинг ҳар бир асарга, ҳар бир ижодкор ижодига нисбатан ўз фикрини айта олишга иштиёқи ва журъати, айниқса, эътиборга моликдир. Чунончи, унинг шеъриятдаги модернизм ҳақидаги фикрлари анча мунозарага сабаб бўлди. Ва баҳсларда муаллиф нуқтаи назарининг мақбул ва номақбул ўринлари тўғри қайд этилди.

Газетанинг 2004 йил 3 декабр сонида эълон қилинган «Ҳар сўзнинг ўз ўрни бор» сарлавҳали мақоласида мунаққид ҳозир қалам тебратиб турган ўттиздан ортиқ шоирнинг ижодида ноўрин ишлатилган сўзлар ҳақида фикр юритади. Жумладан, мақолада каминанинг ҳам шеърларидаги айрим қусурлар тилга олинган.

Бошқаларни билмадим-у, мен ўзимга нисбатан айтилган эътирозларни, яъни «Сўнг бўсалар олганда қийғоч», «Ёндирдинг дилимда туйғулар қийғоч» сатрларидаги «қийғоч» сўзини (мен «қийғоч» сўзини «қийғос» маъносида ишлатдим деб ўйлаганман), яна «Омадинг ҳаётда ҳаргиз чопса ҳам», «Ҳаргиз Ҳақни дея осилди Машраб» сатрларидаги «ҳаргиз» сўзини («ҳаргиз» — «ҳар кез»дан олинган деб ўйлаган бўлсам керак ва «ҳамиша» маъносида талқин қилганман) ноўрин ишлатганимни тан оламан. Лекин «Руҳим мўрт қоядай тўғралиб кетди» сатридаги руҳга нисбатан танқидчи эътирозини ҳазм қилолмадим. Чунки руҳнинг юксаклигини, қурчлигини чўққига, қояга қиёслашлар шеъриятда бор.

Бундан қатъи назар, ёш адабиётшуносниг шижоатидан мамнунман. Чунки ҳар бир ижодкор ўз масъулиятини ҳамиша ҳис этиб туриши керак. Афсуски, кейинги пайтда бу талабчанлик, маълум маънода ёддан кўтарилган эди, десам хато қилмайман.

Мунаққид дўстимиз шижоатига (шунча шоир китобини топиб, ўқиб, ўрганиб, синчковлик билан элакдан ўтказиб бугунги кунда ҳазил гапми!) яна бир карра тасанно айтган ҳолда, ўзимнинг кичкина тилагимни ҳам билдирмоқчиман. Яъни бугунги кун шеъриятини чаманга қиёсласак, мен олим дўстимизга ундан фақат хору хас ахтаришга одатланиб қолмасликни, унинг ифорини, товланишларида ўзига хос мўъжизалари ҳам борлигини унутиб қўймасликни тилайман.

Фикрларим изҳорига берилган имконият учун ташаккур айтиб:

Мирпўлат МИРЗО

Журналларни варақлаганда...

Журналнинг октябр сонида муштарийларга йирик жанрдаги янги асар туҳфа этилган. Бу нигериялик адиба Ифеома Окойенинг "Қулоғи йўқлар" номли романи. Роман эпиграфи: "Агар қулоғи йўқлар мамлакатида яшамоқчи бўлсанг, қўлоғингни кесиб ташла", деган игво халқ мақоли асар мазмунига аниқ ишора, дейиш мумкин. Романни атоқли адиб Қодир Мирмуҳамедов таржима қилган.

"Ватан тарихи, халқ тарихи, шу Ватанда яшагувчи инсонлар тарихи, балки ҳар бир инсон тарихи, гўзал уммонга — ўша улуғ Тарихга бориб уланади", деб ёзади таниқли ёзувчи ва шоир Муҳаммад Али. Унинг "Абадий соғинчлар" эссесидан танланган боблар билан журналнинг ушбу сонида танишасиз.

Файзи Шоҳисмоил томонидан озарбойжон тилидан таржима қилинган шеърларини ўқийсиз.

Таниқли турколог олимимиз Қозоқбой Маҳмудовнинг "Қадимги Туркистон" (2003) монографиясига ёзган тақризида Қ.Ражабов ва А.Отаҳўжаев бу қимматли илмий асарнинг ютуқлари ва айрим камчиликлари борасида мулоҳаза юритишган.

Саргузашт адабиёти ихлосмандлари Уилки Коллинз қаламига мансуб "Ойтош" романининг давомини ҳам ушбу сонда ўқийдилар.

"Жаҳон адабиёти"нинг ноябр ойи сонида "Хотиралар манзили" сарлавҳаси остида турк постмодерн шеъриятидан берилган намуналарни алоҳида таъкидлаш жоиз. Сиз бу намуналар орқали турк миллий шеъриятининг янги ҳалқаси — замонавий турк постмодерн шеъриятининг ўзига хос жозибаларидан воқиф бўласиз, таниқли шоирлар Турғун Танёл, Муротхон Мунган, Рафиқ Дурбош, Кичик Искандар, Сунай Оқин

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ТЕАТР САНЪАТИ МУХЛИСЛАРИ!

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси барча юртдошларимизни, театр санъати мухлисларини кириб келаётган Янги 2005 йил билан самимий муборакбод этади.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, маънавий баркамоллик, хонадонингизга тинчлик ва осойишталик, қут-барака тилаймиз.

Театримиз эшиклари сиз – мухлислар учун ҳамиша очиқ.

Севимли санъаткорларингиз Янги йилда ҳам сизларни хушнуд этишга, ҳар бир учрашувимиз, ижодий мулоқотларимиз ҳаётингизда ёркин из қолдиришига эришиш учун жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар.

Сиздек талабчан ва зукко томошабинлар билан ҳамкорлигимиз янги мазмун ва моҳият касб этишига ишонамиз.

Театр оқшомларингиз ҳамиша шарофатли бўлсин.

Мулоқот учун телефонлар: 1441751, 1443375

"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмаси театр санъати мухлисларини, барча ватандошларимизни кириб келаётган янги 2005 йил — "Сиҳат-саломатлик йили" билан самимий табриклайди.

Сизларга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт, мустақил Ватанимиз тинчлиги ва равнақи йўлидаги эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

Янги йилда театрларимиз залларида сизларни кўришдан бахтиёрмиз. Ҳар бир ташрифингиз бизга куч-қувват, ижодий кайфият бахш этади.

Ҳабиб СИДДИҚ

БИЛИНИБ ТУРИБДИ

Бир ўтиришда кайфи ошиб қолган кап-катта одам ёшига ярашмаган тарзда, ёшликдаги ножўя шўхликлари ҳақида мақтанавериб даврага бироз ноқулайлик солди.

— Э, ука, у пайтлар ғирт жинни бўлганман, — деди у гердайиб.

— Ҳа, билиниб турибди, — дейишди суҳбатдошлар.

"БОШ"ДАН "ОЁҚ"ҚАЧА

Бугунги кунда турли касб эгаларининг бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланиши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Вилоят газетаси таҳририятида кўп йиллар мусаҳҳиҳлик қилиб пенсияга ҳурмат билан кузатилган устоз Фозилжон акани дўппи бозорида тез-тез кўриб тураман. Яқинда эса газетанинг ҳозирги мусаҳҳиҳи, шоир Рустам Эгамни пайафзал растасида учратиб, ҳазиллашдим:

— У ёқда устозингиз, бу ёқда — сиз... Бу дейман, устозу шогирд бозорни "бош"дан "оёқ" эгаллаб олибсизлар-да!

ДАЛДА

Болалар шоири Рустам Эгам ижодкор дўстлари даврасида мақтаниб қолди:

— Уюшган жиноятчилар гуруҳи тўғрисида фош этувчи бир шеър ёздим. Жа-а зўр чиқди-да ўзиям...

— Газетада ўқирканмиз-да?

— Йўқ. Уларга қаттиқ таъсир қилиб, жаҳллари чиқиб кетадими, дея эълон қилмаяпман...

— Кўрқмай эълон қилаверинг, — дедим унга далда бериб. — Мабодо бир гап бўлса, мана, марсия ёзадиган шунча шоирлар туришибди.

ЁШИМ НЕЧАДА?

Сафар олдидан "Гўзаллик салони"дан "ёшариб" чиққан танноз аёл купедаги ҳамроҳидан сўради:

— Айтинг-чи, менинг ёшим нечада?..

Ҳамроҳ йўловчи ўйланиб қолди, бир нима дейин деса, аёл кишининг кўнгли нозик...

— Бир қарашда айтиш қийин, — деди у минг хижолат билан.

— Унда, мен сизга ўзим ҳақимда айрим маълумотларни айтай. Шунга қараб, балки ёшимни аниқлаб оларсиз.

— Қани, айтинг-чи...

— Мана, масалан, қизим боғчага боради...

— Йўғ-э, наҳотки!.. Нима, қизингиз боғча мудирасими?!.

Хаётий ҳангомалар

ЧОЙХОНА ТУРУНГЛАРИ

— Мен шеъриятга жуда қизиқаман, айтинг-чи, Пушкиндай зўр шоир бўлишим учун нима қилишим керак?

— Кеч қолибсиз, Пушкиндай зўр шоир бўлиш учун катта момонгиз ҳабашга эрга тегиши лозим эди.

* * *

— Хотиним мажнунтолнинг тағида шеър ёзманг, жинни бўлиб қоласиз, дейди...

— Муросайи мадора дейдилар, ёнғоқ тагида ёза қолинг.

* * *

— Ҳаваскор шоирман, халқимизнинг шеърга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш учун ижодим қудуғидан қайнаб чиққан ўн нафар ишқий ғазал олиб келдим. Уларни қачон эълон қиласизлар?

— Одатда, янги қудуқнинг суви лойқа бўлади, тинишини кутамиз.

* * *

— "Санамбегим" ширкати ҳомийлигида "Қора кўз санам" деган шеърлар тўплами чиқарган эдим, магазинларда харидорини кутиб ётибди, уларни нима қилсам экан-а?

— Безовта қилманг, майли, ётаверсин. Кўзи янада қораяди.

* * *

— Мен порахўр эмасман, кўнглим бўшлиги учун биров "эҳсон" қилса қўлини қайтара олмайман.

— "Эҳсон" олаётганда қопқонга тушиб, тегишли жойга олиб кетишаётганда орган ходимларининг ҳам қўлини қайтара кўрманг.

Абдулла ҚОРАТОЙ

Дунё — кенг...

КОИНОТНИ ЗАБТ ЭТИШ ИШТИЁҚИ

Умуман, забт этиш, эгаллаш иштиёқи инсониятни ҳеч бир замонда тарк этмаган. Ҳозирги замонда эса, илмий-техникавий тараққиётнинг яратган имкониятлари коинотни «ишғол қилиш»га ундаётгани сир эмас.

Ўтаётган йилда бир йўла уч давлат — АҚШ, Россия ва Хитой ўзларининг Марсни забт этиш ва Ойда орбитал станциялар қуриш режалари ҳақида ошкора гапиришди. Бу ҳам инсоният ўзининг азалий орзусига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бироқ бундай иштиёқ ерликларнинг ҳаммасига ҳам хос, деган фикрни айтиб бўлмайди. Озчилик бўлса-да айрим олим ва мутахассислар коинотга қилинадиган парвозлар жуда катта харажатни талаб этиши ва кутилганидек самараларни бермаслигини таъкидлашади.

Маълум бўлишича, коинотни ўзлаштиришнинг иккита стретегияси мавжуд. Биринчисини мутахассислар Циолковскийнинг машҳур гапи билан боғлашади. У шундай деган: «Ер — инсоният бешиги, шундоқ экан, ахир, бешикда абадий яшаб бўлмайди-ку». Бундай стратегия ўнлаб йиллар мобайнида икки система — капитализм ва социализм ўртасида коинотни ўзлаштириш бўйича мусобақалар авж олишига туртки берди.

«Ўшанда СССР Ойга қўнишда ютқазди, — дейди олим Г.Салахутдинов, — шунинг учун бутун эътиборини Марсга қаратди. Машҳур ракета элтувчи «Энергия» айнан Қизил сайёрани забт этишни мўлжаллаб қурилди. Бу оғир юк кўтарувчи космик кема Марсга учадиган ракета қисмларини орбитага олиб чиқиши ва орбитада бу ракета йиғилиши лозим эди. Шу билан бирга, Марсгача бир йил ва ортга қайтиб келиш учун яна бир йил вазнсизлик ҳолатида учиш жараёнига одам организми қандай бардош беришини ҳам ўрганиш лозим эди. Айнан шунинг учун космонавтларнинг орбитада узоқ муддатли учишлари ташкил этилди, узоқ учиш бўйича рекордлар янгиланиб турилди. Булар барчасига кетган миллиардлаб маблағлар ақлга сиғмайди. Нечанеча «Прогресс»лар, «Салют»лар, «Союз»лар орбитада ёниб кетди, космонавтлар ҳалок бўлишди. «Космосдаги бизнинг ютуқларимиз капитализмдан социализмнинг афзаллигини кўрсатади», деган пуч ваъдалар оқибатида беҳад кўп харажат ҳавога совурилди».

Иккинчи стратегияга кўра, космосни ўзлаштиришдан ерликларнинг мақсади Ерга ўхшаш сайёраларни ишғол қилиш. Мутахассисларнинг фикрича, ўзга сайёраларга етиб бориш ва уларни забт этиш учун минглаб йил вақт кетади. Қуёш системасидаги сайёралардан биригагина одамнинг етиб бориши учун юз йиллар, беҳад кўп маблағлар лозим бўлади.

«Россияда Марсга космонавтларни етказадиган космик кеманинг тайёр лойиҳаси бор, — дейди Г.Салахутдинов, — бу кемани яратиш, уни лойиҳалаштирган мутахассислар фикрига қараганда, солиқ тўловчиларга «атиги» 10 миллиард долларга тушади. Ахир, бунда қандай мантиқ бор? Бу маблағ билан Марсни миридан-сиригача тадқиқ этадиган робот-кемаларни учириш мумкин-ку. Одамларни оввора қилишнинг ҳожати бормикан?».

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, космосни тадқиқ қилишга сарфланган маблағ бошқа соҳага сарфланганда олти марта кўп ишчи ўринларини очишга имкон туғдираркан.

Бугунги тараққиёт узоқ сайёраларни забт этиш орзусини бир четга суриб қўйишни талаб қилаётир. Қолаверса, бундай беҳад катта харажатни талаб этадиган лойиҳаларни амалга ошириш бюджет маблағларини емиради. Бу эса қўпчиликнинг пули. Кимдир Марсга учишни хоҳласа, кимдир бу кўнгилхушликка маблағ сарфлаш бемаънилик, деб билади. Ҳозирги замонда эса ўзга сайёраларни орзу қилган киши эмас, балки ҳисоб-китоби пухта одам ютқазмаслигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

ТОВУҚЛАР ДИПЛОМ СЎРАШЯПТИ...

Жаҳон кулади

Хўроз мусиқа мактабига ўқишга кирди.

— Сенга ўқишнинг нима кераги бор? — сўради булбул. — Шундоқ ҳам зўр куйлайсан-ку.

— Буни ўзим ҳам биламан. Лекин товуқлар диплом талаб қилишяпти-да.

* * *

Мактабда дарс давом этяпти.

Ўқитувчи:

— Ким ўзини аҳмоқ деб ҳисобласа, ўрнидан турсин.

Бир неча дақиқа ўтгач, Вовочка ўрнидан турди.

— Бу нимаси, сен ўзингни аҳмоқ деб ҳисоблайсанми?

— Йўқ, лекин сизнинг битта ўзингиз туришингиз ноқулай-да...

* * *

— Итингиз хизмат итлари мактабини битирганми?

— Хафа қиляпсиз. Итим сиз айтган мактабда дарс беради.

* * *

— Нафақага чиқиб олай. Иккинчи китобниям тугатаман.

— Ўҳ-ў, сиз ёзувчимисиз?

— Йўқ, ўқияпман.

* * *

Абадий муаммо: оч — егиси келади, тўқ — ишлагиси келмайди.

* * *

— Мени танияпсизми? Икки йил илгари сизга турмушга чиқишимни таклиф қилувдингиз...

— Буни қаранг-а, — деди паришонхотир эркак ишини давом эттириб. — Хўш-ўш, ўшанда менга турмушга чиқувдингизми?..

* * *

Туғруқхонада ёш ота янги туғилган ўғлини ҳали у ёқ тарафдан, ҳали бу тарафдан суратга оларди. Бир зумда бутун плёнкани тўлдирди.

Ҳамшира ундан сўради:

— Бу сизнинг биринчи фарзандингизми?

— Йўқ, бу учинчи болам, фақат фотоаппарат биринчиси-да.

* * *

— Газетадан нимани қирқиб оляпсан?

— Чўнтагини ковлагани учун хотини билан ажрашган эр ҳақидаги мақолани.

— Уни нима қиласан?

— Чўнтагимга солиб қўяман.

* * *

Рабинович от спорти клубига келди:

— Отда сайр қилмоқчи эдим. Вақтинча фойдаланишга от бера оласизларми?

— Албатта! Сиз қандай отни ёқтирасиз?

— Менга узунроғидан беринг.

— А?!.

— Биз беш кишимиз-да...

* * *

— Э, қаёқданам журналистга турмушга чиққан эканман.

— Нега унақа дейсан?.. Куёвинг ажойиб йигит-ку.

— У менинг тўйгача ёзган ишқий мактубларимни газетада эълон қиляпти.

— Бунинг нимаси ёмон.

— Э, онажон, у хатларимни ҳажвий саҳифада чоп эттиряпти-да.

* * *

Янги рус олтин балиқ тутиб олди. Балиқ одатдагидек деди:

— Ҳар қандай учта тилагингни бажо келтираман.

Янги рус ўйланиб қолди. Унинг ҳамма нарсаси етарли эди.

— Шундай қилгинки, мен ҳақимда ҳамма яхши гапирсин, мен ҳеч нарсадан қўрқмай ва ўз бойлигим ҳақида ҳам ташвиш қилмай.

Балиқ ваъдасини бажарди — уч кундан кейин мотам маносимида янги рус ҳақида ҳамма яхши сўзларни айтишди...

* * *

Давлат думаси йиғилиши давом этмоқда. Чернобил ҳалокатидан кейин ерлардан қандай фойдаланиш масаласи ҳал этилмоқда.

— Дуккакли экинлар экиб бўлмайди, сабзавотлар умуман мумкин эмас...

Раислик қилувчи таклиф киритди:

— Келинглар, бу далаларга тамаки экайлик, сигареталар қутисига эса ёзиб қўямиз: «Соғликни сақлаш вазирлиги охирги марта огоҳлантиради...»

* * *

Институтга кириш имтиҳонида ўқитувчи абитуриентдан сўради:

— Айтинг-чи, йигитча, ўқишга кириш учун нега айнан бизнинг институтни танладингиз?

Абитуриент:

— Бундай саволнинг нима кераги бор-а, дада.

* * *

— Вовочка, Архимед ким бўлган?

— Ҳа... у олим бўлган... Бир гал ваннада чўмилаётиб «Эврика» деб қичқирган.

— «Эврика» дегани нимани билдиради?

— «Топдим» деган маънони.

— Хўш, у нимани топган эди?

— Билмадим... Эҳтимол, совунни-дир.

Русчадан Ҳ.СИДДИҚ таржимаси



АЙБСИЗ ХОТИННИНГ «АЙБИ»

қайтиб келиб аламини кампиридан олди:

— Сен ўзи қанақа хотинсан? Укам қамалиб кетса майлими, нега мени қайтармадинг?

* * *

Яқинда оила қурган Мирсаид тўй-маъракага қатнашиб, маҳалла ҳаётига аралаша бошлади.

Шундай кунларнинг бирида таъзияга айтиб кетишди. Онасидан марҳумнинг ҳовлисига борганда қандай амаллар қилиши, нималар дейишини сўраб олди.

— Ҳовлига кираверишингда одамлар қатор бўлиб туришади. Биринчи қатордагилар — марҳумнинг яқин кишилари. Елкаларига қоқиб, «бандалик-да» деб қўясан.

Мирсаид бора-боргунича «бандалик-да» деган сўзни такрорлаб борди. Етай деганида ўртоқларидан бири гапга тутиб хаёлини бўлди. Ёдлаб олган сўзи хотирасидан кўтарилди.

Биргаликда йиғламсираб ичкарига киришди. Мирсаид кўз ёшларини артаркан, биринчи қаторда турган белбоғли йигитнинг елкасига қоқди:

— Маладес, маладес...

* * *

Синф раҳбари Мансур муаллим салом бериш одоби тўғрисида кўп гапирарди.

— Одоб билан, қўлларингни кўксиларингга қўйиб салом беринглар, нотаниш одам бўлса ҳам, албатта, саломлашинглар, — дер эди.

Бу гаплар такрорланаверганидан ўқувчилари Мансур муаллимни кўрганларида кўпинча шошиб қоладиган бўлишган.

Бир куни Турдимурод исмли ўқувчи қоронғида тоғасиникидан қайтарди. Олдидан чиқиб қолган ўқитувчисини кўриб довдираб қолди. Қўлларини кўксига қўйганча салом беришга оғиз жуфтладию кутилмаганда «Оллоҳу акбар», деб юборди.

Азиз НОРҚУЛОВ

Бахмал тумани

КЕЧКИ ЭШИТТИРИШЛАР ДАСТУРИ

Парадия

ТЎҚИЛМАГАН ҲАНГОМАЛАР

Қишлоқ одамларининг самимийлиги, соддалигидан кўнглинг яйрайди. Турли-туман ҳангомаларни ўзларидан эшитсангиз, «ичагингиз узилиши» тайин. Тилдан-тилга кўчиб юрадиган бу латифнамо гаплардан сизларни ҳам баҳраманд қилгим келди.

Укаси билан қаттиқ жанжаллашиб қолган Рашид бувани-нг аччиғи чиқди.

— Ҳа, сенимни, мелисага бериб роса югуртирмасам, юрган эканман.

Кийимларини алмаштириб йўлга тушган Рашид бува катта қирга етганида, росмана ўйланиб қолди. Қоронғи тушгунича ўша ерда ўтирди. Сўнгра уйига қайтиб келиб аламини кампиридан олди:

— Сен ўзи қанақа хотинсан? Укам қамалиб кетса майлими, нега мени қайтармадинг?

* * *

Яқинда оила қурган Мирсаид тўй-маъракага қатнашиб, маҳалла ҳаётига аралаша бошлади.

Шундай кунларнинг бирида таъзияга айтиб кетишди. Онасидан марҳумнинг ҳовлисига борганда қандай амаллар қилиши, нималар дейишини сўраб олди.

— Ҳовлига кираверишингда одамлар қатор бўлиб туришади. Биринчи қатордагилар — марҳумнинг яқин кишилари. Елкаларига қоқиб, «бандалик-да» деб қўясан.

Мирсаид бора-боргунича «бандалик-да» деган сўзни такрорлаб борди. Етай деганида ўртоқларидан бири гапга тутиб хаёлини бўлди. Ёдлаб олган сўзи хотирасидан кўтарилди.

Биргаликда йиғламсираб ичкарига киришди. Мирсаид кўз ёшларини артаркан, биринчи қаторда турган белбоғли йигитнинг елкасига қоқди:

— Маладес, маладес...

* * *

Синф раҳбари Мансур муаллим салом бериш одоби тўғрисида кўп гапирарди.

— Одоб билан, қўлларингни кўксиларингга қўйиб салом берингглар, нотаниш одам бўлса ҳам, албатта, саломлашинглар, — дер эди.

Бу гаплар такрорланаверганидан ўқувчилари Мансур муаллимни кўрганларида кўпинча шошиб қоладиган бўлишган.

Бир куни Турдимурод исмли ўқувчи қоронғида тоғасиникидан қайтарди. Олдидан чиқиб қолган ўқитувчисини кўриб довдираб қолди. Қўлларини кўксига қўйганча салом беришга оғиз жуфтладию кутилмаганда «Оллоҳу акбар», деб юборди.

Азиз НОРҚУЛОВ

Бахмал тумани

— Ассалому алайкум, ҳурматли телетомошабин дўстлар! Янги йил арафасида вилоятимиздаги барча хонадонларга шоду хуррамлик тилаб, кечки эшиттиришларимизни бошлаймиз. Марҳамат, эшиттиришларимиз дастури билан танишинг:

16.00 «Булбулнинг патидай баргинг мулойим». Биологиядан ўқув кўрсатуви.

16.25 «Қайдан қайга югурасан, еласан, Йироқлардан келиб келасан?». Божхона постидан репортаж.

Шаҳзодбек Мирзо расмлари

17.10 «Етти ўлчаб, бир кес!» Тўйлар, хусусан, суннат тўйлари ҳақида мулоҳазалар.

17.50 «Сизнинг айвон бизнинг айвон эмасми?» Давлат мулкини хусусийлаштириш масалаларига бағишланган эшиттириш ва концерт.

18.20 «Билмайин босдим тиконни». Экология муаммоларига бағишланган телемулоқот.

19.00 «Бегим, белбоғингиз боғлаб қўяйин!» Вилоят аҳолисига пулли хизмат кўрсатишнинг аҳволига доир давра суҳбати.

19.40 Экранда биринчи марта «Қайнонам — онам» кўрсатуви.

20.20 «Бир бутоқда қўш олма — сийнани кўр, сийнани». Боғдорчиликка доир кўрсатув.

21.00 Реклама ва эълонлар.

21.30 Эълон ва рекламалар.

22.00 Янгиликлар.

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ

ҲОФИЗНИ ХОТИРЛАБ...

Сафарнома

Яқинда Элликқалъа туманидаги Бўстон шаҳрида марҳум ҳофиз Отажон Худойшукуров таваллудининг 60 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, таниқли журналист ва адиб Камол Матёқубов ҳамда камина Элликқалъага отландик. Кетаётганимда: «Эй, бародар, — деди бир ҳамкасбим, — ёзнинг чилласида борадиган жойга қишнинг чилласида нима қиласиз?

— Қишнинг чилласида бораётган бўлсам, у ёқда одамларнинг меҳри бор. Ўша меҳр қишнинг чилласини ёзнинг чилласига айлантириб юборади! — дедим мен.

Самолётимиз Урганчга қўнишига 10 минутлар чамаси қолганида Сирожиддин ака: «Кел, дўстимиз Янгибойга бир «сюрприз» тайёрлаймиз», деди. Қоғоз-қалам олиб ёза бошлади:

Эски дўстим, кўҳна дўстим Янгибой,
Йўқдир сендек ночор ҳам сен тенги бой,
Товушларинг келса Элликқалъадан
Кеттай дилнинг губори ҳам чанги бой.

Мен яна бир қофия қўшган эдим, Сирожиддин ака уни заҳирага олиб қўямиз, деди.

Янгибой деганимиз «Халқ сўзи» газетасининг Қорақалпоғистон вилояти бўйича мухбири Янгибой Кўчқоров бўлади.

Самолётдан тушсак, совуқ.

— Рустам, совқотяпсанми? — деди Сирожиддин ака.

— «Гарддаккина» совқотяпман, — дедим. Бизни кутгани чиққан Бахтиёр ака билан Шоназар ака кулиб юборди.

18 декабр куни эрталабданоқ анжуман тадбирлари бошланди.

Аввал шаҳар марказида «Устозга эҳтиром» ёдгорлик мажмуасига гуллар қўйилди. Етти яшар ўғил болани олдинга қараб олиб кетаётган муаллима аёл ҳайкалида устозлар тимсоли берилган. Бу ҳайкалнинг яратилишида Элликқалъа тумани ҳокими Неъматилла Худойберганов шоир Матназар Абдулҳакимнинг бир муаллимага атаб ёзган шеъри ижодий ғоя берган.

Муаллима синф ўқувчиларидан иншо олади. Дарс охирида иншо ёзилган дафтарларни уйда текшириб келиш учун йиғиб олади. Етти бола ёзма ишни якунлай олмагани туфайли муаллимага дафтарларини топширмайди. Муаллима чекка овулга — ўз уйига қайтиши керак, бироқ қиш куни бир тутам бўлгани учун тезда қоронғи тушиб қолади. Муаллиманинг эри ҳам негадир олиб кетишга келмайди. Хуллас, муаллима уйга томон ёлғиз йўлга чиқади. Ноҳақ хавотирга тушади. Қоронғи тун қаърида кўзлари ёвуз ёнган қашқирлар кўринади. Қашқирлар аёлга ҳужум қилганида, аёл тўсатдан йиртқичлар оловдан қўрқади, деган гапни эслаб қолади-ю, ёнидаги дафтарлардан бирини ёқиб, қашқирларга ташлайди. Жондорлар чекинади. Йўлма йўл дафтарларни ёқиб, жон сақлаб бораверади муаллима. Ана овулга ҳам оз қолди. Яна бироз қашқирларни чалғитиб турса, бас. Аммо, дафтарлар тугаб қолди. Аёлнинг қичқириғи даштни титратиб юборади...

Эртасига азага келганларнинг ҳаммаси йиғлайди. Дафтар топширмаган еттита бола эса ҳаммадан қаттиқроқ йиғлашади.

Шеърнинг мазмуни шундай: «Менинг ёзган шеър дафтарларимни ёқиб, хавфу хатардан омон ўтиб боравер, юртим!» дея хулоса қилади шоир.

«Устозга эҳтиром» ҳайкали пойи гулларга тўлди.

Анжуман дастури бўйича шаҳар театрида асосий тадбир бошлангунга қадар, Элликқалъада янги қурилган тиббиёт коллежининг очилиш маросими бўлди.

Отажон Худойшукуров номидаги халқаро жамғарма, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманни туман ҳокими Неъматилла Худойберганов очди.

— Отажон Худойшукуровга бўлган меҳр бизнинг ҳаммамизни ушбу анжуманга жамлади, — деди у.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Турсунбой Тангриберганов сўзга чиқиб, барчани Отажон Худойшукуров таваллудининг 60 йиллигига бағишланган анжуман билан муборакбод этди.

Таниқли мусиқашунос олим, профессор Отаназар Матёқубов Отажон Худойшукуровнинг ижодий мероси ҳақида маъруза қилди.

— Отажон Худойшукуровнинг истеъдодини у ижро қилган қўшиқлар мавзу кўлами ёки мундарижаси билан эмас, балки унинг ноёб овози билан баҳоламоқ даркор, — деди у.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид Элликқалъа туманида олиб борилаётган маданий анжуманлар аҳамияти, хусусан, Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланиб ҳар икки йилда ўтказилаётган «Нафосат — бўстоним маним» республика ёш қўшиқчилар кўрик-танлови ҳамда «Арчакўл илҳомлари» ёш шоирлар семинари ҳақида гапирди. Отажон Худойшукуров номи билан боғлиқ бўлган ушбу тадбирларнинг барчаси халқнинг маънавиятини бойитишини, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашини таъкидладилар. Зеро, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Абдулла Орипов бежиз таъкидламаган:

Гулдан-гулга қўниб саҳар палладан,
Болари бол йиғар қирдан, даладан.
Шоир ҳам болари бўлсайди агар,
Ишин бошлар эди Элликқалъадан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Элликқалъа шўъбаси раҳбари Янгибой Кўчқоров Отажон Худойшукуровга бағишланган достонидан парча ўқиди.

Отажон Худойшукуровнинг синглиси «Тадбиркор аёл» уюшмаси Тўрткўл тумани бўлими раҳбари Лола Аллашукурова илмий-амалий анжуман якунида сўзга чиқиб, анжуман ташкилотчилари, меҳмонларга, барча иштирокчиларга Отажон Худойшукуров ойласи номидан миннатдорчилик билдирди.

Отажон Худойшукуров номидаги Халқаро жамғарма раиси Ибодулла Саъдуллаев «Нафосат — бўстоним маним» кўрик-танлови ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширди. Шунингдек, Хўжайли ва Хива меҳрибонлик уйлари болаларига Отажон Худойшукуров жамғармаси номидан рангли телевизорлар ҳадя этилди.

Сўнг Отажон Худойшукуров Халқаро жамғармаси томонидан тайёрланган адабий-бадиий композиция намойиш этилди. Санъат саройида бўлиб ўтган анжуман катта экранлар орқали ташқарига узатиб турилди. Анжуман халқ сайлига айланиб кетди. Сарой атрофида тикилган ўтовлар ичига дастурхон ёзилиб, ноз-неъматлар тортилди.

Назм ва наво байрами кун бўйи давом этди. Халқ Ошиқ Эркин, Матназар Абдулҳаким, Комил Аваз шеърларини, ҳофизлар Фарҳод Давлатов ака-ука Афир, Ғулом, Мақсуд Эшжоновлар, Самандар Худойберганов қўшиқларини тинглаб баҳра олди.

Рустам МУСУРМОН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" жамоаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдуллага онаси

Мукаррамхон ая МИРЮСУФ қизи

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Санъат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Нурбой ЖАББОРОВ
Навбатчи — Байрамали МУҚИМОВ
Саҳифаловчи — Шохруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 254. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН